Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 12 (21. 131) 1992 йил 16 январь, пайшанба

Баҳоси 35 тийин.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ НАЗОРАТИ КОМИТЕТИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ўзбекистон Республикасининг Давлат назорати комитети таъсис этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат назорати комитети республика бошқарув-ижроия ҳокимиятининг олий назорат идораси бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Президенти раҳбарлигида иш олиб боради ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига ҳисоб беради.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати комитетининг раиси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан беш йил муддатга тайинланади ва Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши томонидан тасдиқланади. Айни бир шахснинг ўзи ушбу лавозимга қаторасига икки муддатдан кўпга тайинланиши мумкин эмас.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати идоралари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган қонунлар ва қарорларнинг, Президентнинг фармонлари ва фармойишларининг, хўжалик қонунларининг, ижтимоий ва иқтисодий дастурларнинг бажарилишини, давлат ва ижроия интизомига риоя этилиши юзасидан мансабдор шахсларнинг масъулиятини текширадилар.

Давлат назорати идораларининг фаолиятини ташкил этиш ва бу фаолиятни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиқлайдиган Низомда белгилаб берилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ назорати комитети тугатилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг назорат палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил, 13 январь.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)ГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий Қонуни)га қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. 9-моддадан «халқ назоратини кучайтириш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 46-модданинг иккинчи қисмидан «халқ назоратида» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. 85-модда чиқариб ташлансин.

4. 102-моддада:

8-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг СССР Бош прокурори билан мувофиқлаштирилган тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикасининг прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси прокурорини ва унинг ўринбосарларини тайинлайди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати комитетини ташкил этади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9-банддаги «Ўзбекистон Республикаси халқ назорати комитетининг раисини сайлайди» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси давлат назорати комитетининг раисини тасдиқлайди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 107-модданинг биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ назорати комитети» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати комитети» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 116-модда биринчи қисмининг 5-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ назорати комитети» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати комитети» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 117-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари чиқариб ташлансин.

8. 118-моддада

6-банднинг биринчи хатбошиси «ўринбосарлари» деган сўздан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати комитетининг раиси» деган сўзлар билан тўлдирилсин, шу банднинг иккинчи хатбошисидан «Ўзбекистон Республикаси халқ назорати комитетининг раиси» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

12-банд қуйидаги мазмунли 12 ва 13-бандлар билан алмаштирилсин:

«12/ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати комитетининг фаолиятини йўналтириб туради;

13/ қонун ҳужжатлари билан ўз тасарруфига бериб қўйилган бошқа масалаларни ҳал қилади».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил, 13 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ КОМИТЕТИДА

14 январь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг янгидан ташкил этилган инсон ҳуқуқлари комитетининг биринчи мажлиси бўлди. Уни комитет раиси Т. А. Ешимбетова олиб борди.

Мажлисда комитет фаолиятининг асосий йўналишлари кўриб чиқилди, ташкилий масалалар муҳокама қилинди, шунингдек 1992 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режалари белгилаб олинди.

(ЎзТАГ).

ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИ УЧРАШАДИЛАР

МОСКВА, 15 январь. (ТАСС мухбири). Россия Президентининг матбуот шўъбасида ТАСС мухбирига хабар қилишларича, 16 январь куни Москвада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатлар бошлиқларининг амалий учрашуви бўлади. Матбуот шўъбасига учрашувнинг кун тартиби ҳозирча маълум эмас.

СУРАТДА: қабул пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ [ЎзТАГ] олган сурат.

Америка корпорацияларининг вакиллари қабул қилинди

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов АҚШ «Ньюмонт майнинг корпорейшен» корпорациясининг президенти Гордон Паркер бошчилигидаги шу корпорация вакилларини 15 январь куни қабул қилди. Америкалик ишбилармонлар Ўзбекистонга амалий ташриф буюрганлар.

Бўлиб ўтган суҳбатда И. А. Каримов Америка савдо-саноат доираларининг намояндалари билан саломлашиб, Ўзбекистонда ҳорижий мамлакатларнинг етакчи компаниялари ташаббусини қўллаб-қувватлаш, сармоя сарфлашлари, замонавий технологияларни жорий этишлари учун салмоқли табиий бойликлар борлигини таъкидлади. Жумладан, агар ўзаро манфаатли асосда қўшма корхона барпо этиладиган бўлса, «Ньюмонт» корпорацияси Ўзбекистон табиий бойликларидан фойдаланишда ўз техникавий имкониятларини кенг миқёсда ишга солиши мумкин. Корпорация аъзоларининг республика вазирликлари ва идоралари раҳбарлари билан дастлабки музокаралари натижаларидан мамнуният изҳор этилди.

Республика Президенти Ўзбекистон парламенти ҳорижий сармоядорларнинг сарфланган сармоя эвазига яхши фойда олишига имкон берувчи бир қанча қонунлар қабул қилганини уқтириб ўтди. Америка корпорацияси ҳам бундан мустасно бўлмайди. Дастлабки пайтларда қўшма корхонага жуда қулай шароит яратиб берилади.

И. А. Каримовнинг фикрича, энг муҳими— сўздан ишга имкони борича тезроқ ўтиш зарур. Иқтисодий қийинчиликларни тезроқ бартараф этиш, Ўзбекистоннинг бутун аҳолисига нормал турмуш шароитларини яратиш учун ҳозир республика ёрдамга муҳтож.

Г. Паркер дўстона иззатикром учун миннатдорчилик билдирди. И. А. Каримов бутун халқ томонидан Республика Президенти этиб сайланганлиги билан уни корпорация вакиллари номидан табриклади. Шу воқеа муносабати билан у Колорадо штати губернаторининг табрикномасини ва шу штатга бориш ҳақидаги таклифномани топширди. Г. Паркернинг ўзи ҳам Президентни Вашингтонга боришга таклиф қилди. Корпорация бошлиғи Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантиришда ҳамкор бўлиш имкониятидан мамнуниятини изҳор этди.

И. А. Каримов қутлов ва АҚШга бориш ҳақидаги таклифнома учун ташаккур айтди. У Ўзбекистонлик мутахассисларни келгусида қўшма корхонада ишлаш учун корпорация фирмаларида ўқитиб-ўргатишни ташкил этиш ҳақида таклиф киритди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Б. С. Ҳамидов, К. Ж. Ҳаққулов, Давлат ташқи савдо ва иқтисодий алоқа комитетининг раиси У. Т. Султонов, Давлат геология комитетининг раиси Т. Шоёқубов, ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқарувининг раиси Р. С. Азимов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

НАРХЛАРНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини барқарорлаштириш ва бозор муносабатларини шакллантириш учун шарт-шароит яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1992 йил 16 январдан ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги маҳсулотларга, халқ истеъмоли товарларига, ишлар ва хизматларга талаб ва таклиф остида шаклланадиган шартномавий (эркин) нархлар ва тарифларга асосан ўтиш амалга оширилсин.

2. Аҳолининг, энг аввало ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли табақаларининг манфаатларини ҳимоя қилиш зарурлигини эътиборга олиб, 1—3-иловаларга мувофиқ озиқ-овқат ва саноат (болалар) товарларининг чегараланган доирасига чекланган нархлар миқдорлари, шунингдек, аҳолига кўрсатиладиган хизматларга тарифларнинг чекланган миқдорлари белгиласин.

3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва энг муҳим озиқ-овқат товарларининг белгиланадиган чекланган чакана нархлари билан боғлиқликни таъминлаш мақсадида дон, гуруч, чорва моллари, парранда, сут ва тухум учун 4-иловага мувофиқ бошқариладиган харид нархларининг чегараси белгиласин. Бунда хўжаликларга белгиланадиган топшириқдаги маҳсулотнинг 15 фоизининг ва топшириқдан ошиқча барча маҳсулотнинг нархи ишлаб чиқарувчилар томонидан белгиланади, яъни кўрсатилган маҳсулот ҳажмлари эркин нархларда сотилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Савдо вазирлиги, Моддий-техника таъминоти давлат-кооператив қўмитаси, Давлат ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқалар қўмитаси ва Ўзбекбирлашувга маҳаллий Кенгашлар ижроия қўмиталари билан биргаликда республика ташқарисидан олиб келинадиган товарларнинг шартномавий нархлари ҳамда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларининг чекланган чакана нархлари ўртасидаги тафовутни 1, 2-иловаларга мувофиқ кўриб чиқиш ва белгиланган тартибда ҳал қилиш топширилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув ўн кун муддат ичида Давлат нархлар қўмитаси билан биргаликда умумий овқатланиш корхоналари учун устама нархларнинг чекланган даражаларини ишлаб чиқсинлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси эса уларни тасдиқласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат нархлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитасига нархларни таҳлил қилиш асосида ўзининг яккаҳукмронлик ҳолатидан фойдаланувчи ва нархларни асосланмаган ҳолда оширишга йўл қўювчи корхоналарни шартномавий (эркин) нархлар ва тарифларни қўллаш ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳамда уларнинг маҳсулотларига нархларнинг чекланган даражаларини жорий қилишга рухсат берилсин.

7. Концернларга, бирлашмаларга, корхоналар ва хўжаликларга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудида зарурият бўлганда ўз маблағлари ҳисобидан, энг аввало ўз ходимлари ва хизматчилари учун қўйидагича компенсациялар ажратиш ҳисобига нархларнинг чекланган даражаларини камайтириш имкониятларини қидириб топиш тавсия қилинсин:

умумий овқатланиш корхоналари маҳсулотларига (мактаб, студентлар, ишчилар ошхоналари ва бошқалар); транспорт, маиший, коммунал ва бошқа хизмат турларига.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув ва Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 10 кун муддат ичида мактаб ошхоналари ва буфетларида овқатланиш қиймати қўшимча харажатларининг бир қисмини қоплаш тартибини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси топширилсин.

Олий ўқув юртлари талабаларининг, давлат таъминотида бўлмаган ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунартехника билим юртлари ўқувчиларининг овқатланиш қийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 4 апрелдаги 87-сон қарорида кўзда тутилган компенсация миқдори 2 баравар оширилсин.

9. Концернлар, корхоналар ва ташкилотлар (мулкчилик шаклидан қатъи назар) ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги маҳсулотлар ва истеъмол товарларининг қолдиқларини қайта баҳоласинлар, ошириб баҳоланган сумма миқдорининг 50 фоизи аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун республика бюджетига ва 50 фоизи ўзининг оборот маблағларини тўлдиришга ўтказилсин.

10. Қалиш ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида «Ўзбекрезинотехника» бирлашмасига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг 15 фоизини тузилган шартномалар бўйича валютага сотишга рухсат берилсин.

11. Аҳолининг айрим тоифаларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 2 апрелдаги 82-сон, 1991 йил 12 апрелдаги 97-сон, 1991 йил 22 майдаги 140-сон қарорлари билан белгиланган амалдаги имтиёзлар сақлаб қолинсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларининг ҳисоб-китоблари бўйича 1992 йилги бюджетда аҳолига айрим озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини белгиланган норма бўйича сотишдан, шаҳар автомобиль ва шаҳар электр транспортида йўловчилар ташиш, шунингдек, иссиқлик таъминоти ва квартира ҳақи хизматларидан дотацияларни назарда тутсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат нархлар қўмитаси ўн кун муддат ичида ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги маҳсулотга, халқ истеъмоли товарлари ва хизматларга шартномавий (эркин) нархларни қўлланиш тартиби тўғрисида Вақтинчалик низом ишлаб чиқсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат нархлар қўмитаси, Давлат солиқ хизмати, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси халқ истеъмоли товарлари, ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги маҳсулотлар ва хизматлар учун нарх интизомига риоя қилиш устидан назоратни кучайтирсинлар.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосарлари — комплекслларнинг раҳбарларига юклансин.

Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари

И. ЖУРАБЕКОВ.

(Ушбу қарорга иловалар 2 бетда берилмоқда).

КИШИДА ЯХШИ ИШ БОҚИЙ ҚОЛАДИ!

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири

А. МУТАЛОВ нутқи

Ҳурматли халқ ноиблари!
Ҳурматли Президент!
Ҳурматли Раис!

Ҳозирги шароитда бизга ҳамма нарсадан ҳам муҳими, бу — ишончдир. Ўзимизга, ўзлигимизга ишонч — мустақиллигимиз ғалабасига ишонч, эртанги порлоқ ҳаётимизга ишонч! Бусиз улкан вазифаларни бажариш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Қолаверса, бир-биримизга ўзаро ишонч мустаҳкам бўлиши керак, деб ўйлайман. Шу жиҳатдан менга билдирилган ишончни юқори қадрлайман ва ҳурматли Президентимизга ҳамда сиз азиз халқ ноибларига самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман!

Қадрли дўстлар!

Ҳозирги мураккаб шароитда ҳукуматнинг, жумладан, Бош вазирнинг асосий, энг муҳим вазифалари нималардан иборат, иқтисодий тангликдан чиқишнинг қандай йўллари бор? Бу саволларга сессиямиз бошида ҳурматли Ислом Абдуғаниевич ўз дастурий нутқларида батафсил жавоб бердилар. Бу борадаги режаларни, йўл-йўриқларни аниқравшан кўрсатдилар. Ҳукуматнинг, бизнинг асосий вазифамиз ана шу режаларни амалга оширишдан иборатдир.

Бу вазифаларни қисқача қуйидагича изоҳлаш мумкин.

ИҚТИСОДИЙ СОҲАДА. Корхоналарга, хўжаликлар, жамоаларга сўзда эмас, балки амалда эркинлик бериш, ишлаб чиқаришни, меҳнат унумдорлигини кўтариш йўлидаги барча тўсиқларни олиб ташлаш, бюрократияга, эскича ёндашувларга узил-кесил барҳам бериш — биринчи даражали ишдир. Моддий, маънавий манфаатдорликни ҳамма жойда жорий қилишга эришишни ютуқларнинг асосларидан бири деб биламан. Уддабурон, ишбилармон кишилар ташаббусига кенг йўл очилиши керак.

Ишлаб чиқариш фан-техника тараққиётисиз ривожлана олмайди. Республикамиз катта илмий потенциалга эга. Ундан тўғри, ўз вақтида ва самарали фойдаланишга эътибор қучайтирилади.

Қишлоқ бой бўлмагунча шаҳар бой бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, чорвачиликни равнақ топтириш, фермерлик хўжаликлари, ижара пудрати, шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш — бутун иқтисодимизни ривожлантиришнинг асосий манбаидир. Қишлоқларни, қишлоқ аҳли хонадонларини газлаштириш, сув билан, энергия билан таъминлашни яхшилаш, уларнинг турмуш маданиятини юксалтиришдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ.

ИЖТИМОИЙ СОҲАДА. Биринчи навбатда кам даромадли, кўп болали оилаларни, камбағаллар, бева-бечораларни қўллаб-қувватлаш ҳукумат инсонпарварлигини кўрсатувчи асосий далилдир. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳақида Президентимиз қабул қилган фармонларни бажариш бу ишнинг асосини ташкил этади. Халқ фаровонлигини ошириш, уй-жой муаммосини тезроқ ҳал қилиш тадбирлари тўхтовсиз бажарилиши керак.

Ҳар бир жамиятнинг, шу жамият раҳбариятининг инсонпарварлик даражасини, обрў-эътиборини асосан икки нарса белгилайди. Биринчиси — оқсоқолларга, фахрийлар ва қарияларга муносабат, иккинчиси — болаларга, ёшларга ғамхўрлик. Ана шу икки жиҳатни биз бирдек назарда тутамиз. Чунки, уларнинг бири бизнинг кечаги кунимиз, бири эса эртаги ҳаётимиз, келажагимиздир.

Ҳурматли отахонларимиз, онахонларимизнинг ҳам кўнгиллари тинч бўлсин, улар ҳар доим ардоқда бўладилар. Фарзандларимиз тарбияси, камоли учун нимаики зарур бўлса, имкони борича ҳаммаси амалга оширилади.

Мустақиллик шарофати билан, Президентимизнинг узоқни кўзлаган доно сиёсати туфайли чет эллар билан алоқалар ривож топмоқдаки, бу барчамизда катта умид туғдирмоқда, ушбу умидларнинг рўёбга чиқиши учун ҳамма асослар бор.

МАЪРИФИЙ-МАДАНИЙ СОҲАДА. Ўз халқини, ўз Ватанини астойдил севган, бошқа халқларга мурувватли бўлган кишиларни камолга етказиш учун шарт-шароит яратиш кечиктириб бўлмайдиган ишдир. Қуръони каримда, муқаддас Ҳадисларда кўрсатилган поклик, тўғрилик, диёнат, дўстлик, ҳамжиҳатлик каби фазилатларни ўзида мужассамлаштирган халқгина чинакам қудратга эга бўлади, эркин фаровон ҳаёт заминини яратади, қолаверса, шундай фароғатли ҳаётда яшаш бахтига ҳам мушарраф бўлади. Бундай одамлар яшаган элда жиноятчиликка ўрин қолмайди, инсоф, адолат ҳукм суради.

Мактаб, олий билимгоҳ, касалхона ва бошқа ижтимоий объектлар қурилиши, таълим-тарбияни юқори даражага кўтариш, халқ соғлигини мустаҳкамлаш, экологик мувозанатни тиклаш, Оролни асраб қолиш, атроф-муҳитни тоза сақлашга эришиш — жиддий, мунтазам шуғулланадиган ишимиздир.

Халқ соғлиги ҳақида гап кетганида хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш муаммосини алоҳида таъкидлаш зарур, негаки наслимиз саломатлиги, миллатимиз саломатлиги биринчи галда аёллар соғлигига, оналар соғлигига боғлиқдир. Касалманд, кам қонли аёлларга, ҳомиладор аёлларга берилган имтиёзлар сўзсиз бажарилиши, хотин-қизлар ҳақидаги ғамхўрлик тағинда кучайтирилиши керак. Аёллар кўп ишлаётган ишлаб чиқариш корхоналарида иш услубларини қайта кўриб чиқиш, хотин-қизларга барча зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш — ҳозирги кунимизнинг талабидир.

Хуллас, республикамизда фаровон, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, мустақил давлатимизда адолатли, бахтли ҳаёт ғалабасини таъмин этиш ҳаммамизнинг, биринчи навбатда ҳукумат ва унинг раҳбарларининг муқаддас бурчидир, жумладан, менинг фаолиятимнинг асосини ташкил этади.

Ҳурматли дўстлар!

Мен сўзимни ишонч ҳақидаги фикрлар билан бошлаган эдим. Қисқача нутқим якунида ана шу ишонч масъулиятини, ишончга лойиқ бўлиш, уни оқлай билиш заруратини таъкидлаб ўтишни лозим топдим. Куни кеча иқтисоднёт доирлфунуни юбилейида Ислом Абдуғаниевич бир нарсага алоҳида урғу бердилар. У ҳам бўлса, раҳбарнинг оёғи ердан узилмаслиги, боши айланмаслиги, камтарликни ҳеч қачон йўқотмаслиги ҳақидадир. Дарҳақиқат, давр тез ўтади, умр ўлчовлидир. Кишида фақат яхши иш боқий қолади!

Парвардигор ҳаммамизга мададкор бўлсин!

Нарх-наво борасидаги чора-тадбирлар иқтисодий ислоҳотлар даврининг тақазосидир

УМИД БИЛАН ЯШАЙМИЗ

Турмуш кечириш қийинлашди дейишади. Ҳақ гап. Дарҳақиқат, бозор айланиб магазинлар пештахталарига бир назар солган одамнинг лабига учуқ тошади.

Аммо эртадан умидимизни узганимиз йўқ. Шуни айтиш керакки, эртамиз кўпроқ ўзимизга боғлиқ. Ахир холва пиш, оғзимга туш, деб ўтирганинг билан иш битмайди. Оила тўкин, рўзғор бут бўлмайди. Ахир инсон боласи борки, яшаш учун, энг аввало яхши яшаши учун тиришиб-тортишади. Биздек деҳқон фарзандлари эса пешона тери билан ер суғориб, дур ундиради. Оиламиз ҳам ана шундайлар сирасига киради.

Уч йил илгари жамоа хўжалигидан 4,5 гектар ерни ижарага олгандик. Мен ижарачи звено бошлиғи бўлдим. Турмуш ўртоғим, ўғлим, келиним билан бирга шу ерда астойдил ишлай бошладик. Ўзингга ўзинг бошлиқ бўлишнинг фазилатлари кўп экан. Зеро, биров тепангда турмаса, ўз режанг билан ишласанг ишинг баракали бўлаверади. Энди ўйлаб қарасам авжи ёшлик, куч ғайратимиз шудгорларда сув текинга кетган экан. Ахир илгарилари ишлаб-ишлаб ойига 30 сўмдан маош олган пайтларимиз ҳам бўлган.

Биз учун мазза қилиб ишлашнинг ўзи дам олиш. Ёзда бирров Шоҳимардонга бориб келганимизча дала ичидан чиқмадик. Қизларим, келиним билан эрталабдан далага кетамиз. Тушликка пича қолганда бирортаси дала четида енгил-елпи овқат пиширади. Шийпонга боришга ҳам вақтни қизғанади, одам. Астойдил йиғласа сўқир кўздан ёш чиқади, деганларидек, меҳнатимизга яраша ҳосил ҳам битди. Режа бўйича 1991 йилда звеномиз 12 тонна пахта бериши керак эди. Биз эса 20 тоннадан ортиқ ҳосил олдик. Даромад ҳам шунга яраша бўлди. Пахта терими мавсумида ойига 4,5-5 минг сўмдан ҳақ олдик. Йил якунига кўра эса звеномиз 36 минг сўм даромад олди. Бу мўлжалдагидан 20 минг сўм кўпдир. Районда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини уддалаб қўйдик. Мукофотлар олдик.

Тўғри, кечаги кун бугунга мос келмаяпти. Аммо Мустақил Республикамиз ўз бойлигига ўзи эга бўлди. Уни бизга ҳам манфаати катта. Биз, оддий меҳнаткашлар кучимиз, меҳнатимиз билан қадрдон Ўзбекистонимиз бойлигига бойлик қўшаверамиз. Ноумидлик энг ёмон иллат. Менинг ҳам орзу-ҳаваслларим кўп. Қизларни ҳунарли қилиб, жой-жойига узатиб олсак, невараларга тўй қилсак, эр-хотин саломат бўлсак, шуннинг ўзи катта бахт. Оч бўл, яланғоч бўл, — тинч бўл, дейди машойиқлар. Меҳнаткашга, ишбилармонга кенг йўл бериш тадбирлари кўрилаётир, бундан буёғига турмушимиз ўнгланиб кетишига имоним комил.

Тожихон ОТАЖОНОВА,
Фарғона вилояти, Охунбобоев районидаги Калинин номли жамоа хўжалиги ижарачи звеноси бошлиғи.

МАНФААТДОРЛИК ИШЧАНЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Бозор иқтисодиёти ва эркин нархларга ўтиш халқни ташвишга соляпти. Одамлар эртанги кунимиз қандай кечаркин, дея хавотирланишяпти. Бироқ жумҳурият ҳукуматининг халқимизни, биринчи навбатда камбағал, муҳтож кишилар оилаларини ижтимоий ҳимоя қилишга давлат кафолатини бермасдан бозор иқтисодиётига ўта олмаймиз, дея қатъий ишонтириб айтиши кўнгилларга таскин бермоқда, эртанги кунга умид туғдирмоқда.

Хўш, меҳнат аҳли иқтисодий ислоҳот ва нарх-навонинг ошишига қандай муносабат билдирмоқда? Куни кеча мухбиримиз «Ташавтоматика» заводида бўлиб бир гуруҳ ишчи-хизматчилар билан шу ҳақда суҳбатлашди.

В. ПАК, завод қошидаги «Скиф» кичик ижара корхонаси директори:

— Корхонамиз ўтган йили февралда ташкил этилганди. Қарийб бир йил ичида анчагина ишларни бажардик. Биз тайёрлаган ёғочсозлик ускуналари, стендлар, халқ истеъмоли буюмлари истеъмолчиларга ёқиб тушди. Бироқ очиқ айтиш керак, хом ашё етишмасиги сабабли буюртмаларни тўла уддалашнинг имкони бўлмади.

Илгари хом ашёни Иттифоқ Мудофаа вазирлиги (завод унинг ихтиёрида эди) етказиб берар эди. Сўнгги пайтда у тугатилгач, россиялик таъминотчилар зарур материаллар ва бутловчи деталларни юбормай қўйишди. Ахийри мол айирбошлаш йўлига ўтдик. Афсуски, бу ҳам бўлмади. Россия заводлари хом ашё нархларини 10-15 мартага ошириб юборишди. Натижада биз ҳам харажатларни қоплаш мақсадида маҳсулот нархларини кўтаришга мажбур бўляпмиз.

Яқиндан бошлаб заводимиз Ўзбекистон давлат машинасозлиги концерни ихтиёрига ўтди. Ўйлаймизки, концерн мутасаддилари эндиликда бизга ёрдам қўлини чўзишади. Ўшанда истеъмол бозорини эҳтиёжбоп буюмлар билан тўлдириш йўлидаги ҳаракатларимиз кучаяди.

К. ҚАЮМОВ, стандарт жиҳозлар участкаси ишчиси:

— Умумхалқ томонидан сайланган Президентимиздан умидимиз катта. Бинобарин, бозор муносабатларига ўтилаётганда тегишли ҳимоя чоралари кўрилишига аминмиз. Очиғи, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида эркин нархлар тартибининг киритилиши бизда ҳам нархнавони оширишга мажбур қилмоқда.

Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, ҳукуматимиз жумҳурият бозорини барқарорлаштириш мақсадида аниқ чора-тадбирларни кўрмоқда. Жумладан, купон тизими жорий этилди, асосий озиқ-овқат маҳсулотларига талон системаси сақлаб қолинди. Бу оз бўлса-да, кишиларимиз оғирини енгил қилмоқда.

В. ГРАЧЕВ, ускуналар цехи ишчиси:

— Бозор муносабатларига ўтиш давр талаби бўлиб қолди. Шу боис, эндиликда дадил ҳаракат қилиш, тўғрироғи ишлаш керак. Ҳозир кўпинча бунинг акси бўляпти.

Айримлар нарх-навонинг ошишини рўкач қилиб, одамларни чўчитишмоқда.

Тўғри, нарх-наво пасайгани йўқ. Кундан-кунга ошиб бормоқда. Бироқ нарх кўтарилгани билан дўконлар буюмга тўлиб қолгани йўқку! Бунинг сабаби ишлаб чиқариш бутунлай издан чиққани, эски хўжалик алоқалари батамом узилганидир.

Эндиликда узилган алоқаларни тиклаш, омилкорлик билан иш юритиш лозим. Демоқчиманки, чинакам бозор иқтисодиётига ўтиш учун ишчи қандай маҳсулот ишлаб чиқаришни, уни қаерда ва қайси нархда сотишни билиши керак. Ана шунда иқтисодиётда ўзгариш бўлиши, қолаверса ишчи ўз меҳнатига яраша ҳақ олиши мумкин.

В. ШАТСКАЯ, завод директорининг сифат масалалари бўйича ўринбосари:

— Бозор талабларига кўра маҳсулот турларини бутунлай ўзгартиряпмиз. Илгари мамлакат мудофаа қобилияти учун маҳсулот ишлаб чиқарар эдик. Бугун конверсияга ўтиб, халқ истеъмоли буюмлари ва жумҳурият тармоқлари учун зарур ускуналар тайёрлашни йўлга қўйганмиз.

Бу йилдан бошлаб ерёнғоқ тозалаш қурилмалари, инкубаторлар ва бошқа ички бозор учун харидорбоп бўлган бир қанча истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни мўлжаллаб турибмиз. Мақсадимиз — жумҳуриятни тўкин-сочинликка эриштириш.

Ҳозир нарх-навонинг ошиши шароитида ишчи-хизматчиларимизни ижтимоий ҳимоялаш тадбирларини кўряпмиз. Кам таъминланган ва кўп болали ишчилар учун қўшимча имтиёзлар яратиляпти. Меҳнат ва уруш фахрийлари ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Хуллас, бизда манфаатдорлик одамларни ишчанликка чорлаяпти.

Ф. ЭШМУҲАМЕДОВ, «Скиф» кичик корхонаси ишчиси:

— Оилам 4 кишидан иборат. Ўртача 850 сўм ойлик маош оламан. Албатта, бугунги ҳисобда бу маош билан оилани боқиш қийин. Жумҳурият Президенти И. Каримов Олий Кенгаш сессиясида нарх-наво сиёсатини ойлик маош билан чамбарчас боғлаб олиб бориш, яқин кунларда ўртача ойлик маошни 1000 сўмга етказиш ҳақида аниқ фикрни айтди. Бу кўнгилимизга ишонч бағишлади.

Албатта, қийинчиликлардан чиқиб кетиш ўзимизнинг қўлимизда. Зотан, бугунги кунда ишбилармонлар учун барча шароитлар муҳайё. Дейлик, хориж билан алоқа қилиш учун эшиклар очиқ, иқтисодий қонунлар ишлаб турибди. Демак, имкониятлар етарли. Фақат, тинчтотувлик билан ўзаро ҳамжиҳатлик бўлса бўлгани.

А. БОЛИЕВ ёзиб олди.

ҚИММАТЧИЛИК ҚАҲАТЧИЛИК ЭМАС

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси кун тартибига нархнавони яна ошириш масаласи киритилди. Бу табиийки, ҳаммани ўйлантириб қўйди. Шахсан мен ҳам ҳайратда қолдим. Нега бундай қилинди?

Сессия ишини ойнаижаҳон орқали диққат билан кузатгач фикрим ўзгарди. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов, молия вазири ва нарх-наво қўмитаси раисининг нутқларини эшитиб, депутатларимизнинг қизғин тортишувлари, баҳсларини кўрганимдан кейин масаланинг моҳиятини, жумҳуриятимизда аҳвол танглигини, нарх-наво оширилиб, қўшни республикаларга тенглаштирилиши зарурлигини англадим. Шундай қилинсагина четга ташиб кетилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ўзимизга қолишини тушундим.

Ўзимча қимматчиликдан қутилиш йўлларини ахтардим. Ўйлаб-ўйлаб шундай хулосага келдим. Ҳозирча қимматчилик бўлса ҳам халқимизнинг қорни тўқ. Ҳеч ким оч қолаётгани йўқ. Аксинча одамлар нима кўрса сотиб олишаяпти. Демак, халқнинг қўлида қўри, бисотида озмиқўпми жамғармаси бор. Томорқа хўжалиги бор, чорва бор экан ҳеч қачон оч қолмаймиз. Ваҳимага ўрин йўқ. Ўтаётган ҳар бир кунимиз ғанимат. Унинг қадрига етишимиз, шукроналар айтишимиз керак. Қўлни-қўлга бериб ишлашимиз, эртанги ёруғ кунларга интилишимиз лозим. Ана ўшанда бугунги қимматчиликка чек қўямиз, қаҳатчиликдан эса худонинг ўзи асрасин.

Қимматчиликдан арзончиликка ўтиш ўзимизга боғлиқ. Ваҳимага берилиб сафсата сотиб юраверсак аҳволимиз оғирлашаверади. Меҳнатга бўлган муносабатимизни ўзгартирсаккина турмуш шароитимиз яхшиланиши мумкин. Рақобат бўлсагина моддий бойлик кўпаяди. Бойимоқчи бўлган киши ҳалол, виждонан ишлаши керак. Бу гапни ўз тажрибамизга асосланиб айтяпман. Мен жон куйдирмасам, сиз фидокорлик кўрсатмасангиз қандай қилиб арзончилик бўлади?

Касбим чорвадор. Бунга кўп бўлди. Умрим тоғу-тошларда, адрларда, яйловларда ўтади. Бунинг ўзига яраша қувончу-ташвишлари, машақатлари бор. Кунларни тунларга улаб ишлаймиз. Ҳузур—ҳаловатдан кечиб, кимсасиз жойларда чодир тикиб ётамиз. Қўйлар бизнинг ҳамроҳимиз.

Ўтган йили оилам Патила Йўлчиева икковимиз Андижон районидаги Киров номли жамоа хўжалиги билан ўзаро шартнома туздик. Хўжаликдан ижарага 400 бош қўй олдик. Шартнома бўйича бу қўйлар сонини камайтирмаслигимиз, хўжаликка тўрт тонна гўшт, 800 килограмм жун топширишимиз лозим эди. Йил якуни кутилганидан зиёда бўлди. Биз қўйларни семиртириш, қўзилари нобуд қилмай асраш ҳисобига шартномада кўзда тутилган миқдорда гўшт ва жун топширдик. Оиламиз даромади ҳам кўпайди. Йил давомида олинган иш ҳақидан ташқари 4 минг сўм соф фойда кўрдик. Бу жуда озку деб ўйламанг. Шахсий чорвамиз ҳам бор.

Жамолиддин Юсупов ҳам хўжаликдан ижарага 600 бош қўй олиб яхши натижага эришди. У 6 тонна гўшт топширди. Демак, кимки ғайрат-шижоат билан ишласа, оч қолмайди. Арзончиликнинг боши — меҳнатдир.

Олимжон ЙЎЛЧИЕВ,
Андижон районидаги Киров номли жамоа хўжалигининг ижарачи чўпони.

ИНСОФ САРИ БАРАКА

«Топилган молнинг энг тозаси (покизаси) кишининг пешона тери билан топилган мол ва бегирром, ҳалол савдодан топилган пулдир».
(Муҳаммад пайғамбар ўгитларидан).

Ёшим олтмишдан ошди. Кўпни кўрган, кўпни билади, дейдилар... Беихтиёр 1940 йилларни кўз олдимга келтираман. Ўша пайтларда Тошкент шаҳрида яшовчи аксарият оилаларнинг шаҳар чеккасида дала боғлари бўлар эди. Баҳор келиши биланоқ ўша ёққа кўчиб, боғроғларига қарашарди, деҳқончилик қилишарди, молҳол боқишарди. Мева ва экинлар пиша бошлаган кунлардан бошлаб эса дала боғлари бўлмагани сабабли шаҳарда қолган оилаларга уларнинг насибаларини элтиб бериб турилар эди. Тошкент вилоятининг Кўкча Оқтепасида Қодир маъзим (онамнинг отаси) бўбомдан қолган боғда истиқомат қилувчи бизлар ҳам шу ҳайрли удумга амал қилиб, эшак аравамизда шаҳарликларга узум, мева-чева, сут-қатиқ олиб бориб бериб турардик.

Ҳа, ўша замонларда ҳаммада ўзаро меҳру оқибат жуда юқори даражада бўлган эди.

Азиз умрини элу юрт хизматида ўтказган оқилу доно, Ҳотам каби саховатли инсон, машҳур ошпаз Юсуф Мусаевнинг ичкари-ташқарили ҳовлисидан (иморатларнинг ҳаммаси қўш қаватли эди) одам аримасди. Ичкари ҳовли фақат олис юртлардан келиб тунаб қоладиган мусофирлар ҳамда меҳмонлар учун ажратилган эди. Ширин суҳан, заҳматкаш Ҳафиза бувим уларга баҳоли-қудрат хизмат қилиб чарчамасдилар. Ранжиганларини ва ё миннат қилганларини кўрган эмасман.

Уруш бошлангач (1941 йил) кундан -кунга ҳаёт қоронғилаша бошлади. Турмуш қийинчиликлари одамларни турли тоифаларга бўлиб юборди. «Ватан учун, Ғалаба учун!» — дея ихтиёрий равишда жангга отланган, уруш орқасида ҳалол меҳнат қила бошлаган чин инсонлар қаторида фақат ўзларининг ҳузур-ҳаловатларини ўйлаб қадам босадиган кимсалар ҳам пайдо бўлди. Айниқса, савдо ходимларидан инсоф қочди. Кишиларга махсус қоғоз орқали бериладиган нонга уялмай-нетмай чанг солиб, бозорларда қиммат баҳоларда соттиришди. Туянинг кўзидек гижда нон 100 сўмга, сиқсанг қопқора сув оқадиган бир буҳонга нон 300 сўмга чиқди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, одамларнинг ризқини қийиб ва норози қилиб тўпланган мол-дунё ҳеч кимга вафо қилмас экан. Буни мен ўз кўзим билан кўрдим. 1947 йилнинг охирида озиқ-овқат ва бошқа зарур моллар учун чиқариб келинган махсус қоғозлар бекор қилинди, пул зудлик билан янгисига айирбошланди. Ўшанда қоп-қоп ҳаром пуллар айирбошлашга улгурилмай сабил қолиб кетди.

... Шу кунларда бот-бот Тошкент шаҳри бозорларини айланадиган бўлиб қолдим. Келинг, бирга-бирга Эскижўва деҳқон бозорини кўздан кечирайлик. Яқин-яқинларгача уни «Октябрь» колхоз бозори деб аташарди.

Деҳқонларга, боққоллару қассобларга балли, минг раҳмат! Бозорда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор. Фақат нархи осмонда. Халта-хулталарини кўтариб, расталар оралаб маъюс юрган кишилар ўзлари учун зарур бўлган нарсаларнинг нархини сўрайдилар-у, шу заҳотиёқ нарига қочадилар.

Хўш, ким ҳимоя қилсин, харидорларни, деб сўрарсиз? Сотувчи бирадарларимиздаги инсоф ва диёнат, деб баралла жавоб бера оламан мен. Ҳа, инсоф сари барака, деган ҳикматли гап бежиз айтилмаган. Эскижўва деҳқон бозори ва бошқа бозорларда бўлганимда шу ҳақда ўйладим.

Жафокаш халқимиз кўпдан-кўп қийинчиликларни бошдан кечирган. Ўша кунлардан яхши ва ёмон хотиралар ёдда қолган. Инсон яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам ҳеч қачон унутмайди. Қиссадан ҳисса шулким, азизлар, ҳозирги оғир даврларда бир-биримизни қўллаб-қувватлайлик. Бизлардан ҳам фақат эзгу ишлар, авлоддан-авлодга кўчиб юрадиган яхши хотиралар қолсин.

Усмон ЮСУПОВ.

1-ИЛОВА

БЕЛГИЛАНГАН БЕРИШ НОРМАЛАРИ БЎЙИЧА АҲОЛИГА СОТИЛАДИГАН ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ОЗИҚ-ОВҚАТ ТОВАРЛАРИ ЧАКАНА НАРХЛАРИНИНГ ЧЕКЛАНГАН МИҚДОРЛАРИ

Номи	Ўлчов бирлиги	Бир бирлик учун чакана нархи, (ўртача) сўм ва тийин ҳисобида
Оқ, қора, жавдар буханка нонлар*	кг	1—20
Ун	кг	1—80
Макарон	кг	3—00
Гуруч	кг	5—00
Ўсимлик ёғи	кг	5—00
Чой	кг	30—00
Қанд-шакар	кг	8—00
Тухум	10 дона	5—00
Барча турдаги гўшт	кг	30—00
Сут (қаймоғи олинмаган)*	л	1—50
Қаймоқ (ёғлилиги 25%)*	кг	18—00
«Русская» ароғи	0,5 л.	35—00
Кир совун	дона	1—00

*) Нон, сут ва қаймоқ учун уларни қанчадан бериш нормаси белгиланмайди.

2-ИЛОВА

БЕЛГИЛАНГАН БЕРИШ НОРМАЛАРИ БЎЙИЧА АҲОЛИГА СОТИЛАДИГАН ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК НООЗИҚ-ОВҚАТ ТОВАРЛАРИ ЧАКАНА НАРХЛАРИ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШНИНГ ЧЕКЛАНГАН МИҚДОРЛАРИ

Номи	Баравар коэффициентларда
Ип-газлама матолар:	
бўз	2,7
оқартирилган чит, маль-маль, мадаполам (оқ сурп)	2,7
дока	3,5
Чақалоқлар учун комплект	1,8
12 ёшгача бўлган болалар учун товарлар	
Ўғил болалар кўйлаклари, шимлари	1,9
Қизлар кўйлаги	1,9
Пойабзал	3,6
Пайпоқ маҳсулотлари, колготкалар	2,5
Калиш	*
Кўмир**	3
Бензин**	5

*) бир жуфт калиш учун — 40 сўм

**) нормаланмайдиган товарлар

3-ИЛОВА

АҲОЛИГА КЎРСАТИЛАДИГАН ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ХИЗМАТЛАР ТАРИФЛАРИ ДАРАЖАСИ ЎЗГАРИШИНИНГ ЧЕКЛАНГАН МИҚДОРЛАРИ

	Коэффициент
Аҳоли эҳтиёжи учун бериладиган электр энергияси	*
Ҳаво транспортида ташиш тарифлари	4,7
Темир йўл транспортида ташиш тарифлари	3,9
Шаҳар автобусида йўловчиларни ташиш тарифлари	2,0
Енгил таксамоторда ташиш тарифлари	4,0
Маршрутли таксомотор автобуслари билан йўловчиларни ташиш тарифлари	5,0
Шаҳарлараро автобус маршрутларида йўловчиларни ташиш тарифлари	2,9
Хизмат енгил автомобиллари учун тарифлар	2,4
Шаҳар электр транспортида йўловчиларни ташиш тарифлари:	
метро, трамвай, троллейбус	2,0
Марказий иситиш	2,0
Иссиқ сув билан таъминлаш	2,0
Квартира ҳақи	1,5
Канализация хизматлари	2,0
Бодопровод хизматлари	2,0
Алоқа хизматлари, ўртача	3,6
Транспорт-экспедиция хизматлари	4,3
Аҳоли буюртмаси бўйича ремонт-қурилиш ишлари	3,9

***) Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларида яшовчи аҳоли эҳтиёжлари учун бериладиган электр энергиясига бир кВт-соат учун тегишинча 4 тийин ва 2 тийин ўрнига 8 тийин миқдорида тариф белгиланди.**

4-ИЛОВА

ЭНГ МУҲИМ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ УЧУН ХАРИД НАРХЛАРИНИНГ ЧЕКЛАНГАН МИҚДОРЛАРИ

	1 тоннасига сўм ҳисобида (ўртача)
Бошоқли дон	1200
Маккажўхори дони	1000
Гуруч	2000
Қорамол, от ва туя	15300
Чўчқа	15600
Қўй ва эчкилар	11700
Парранда	20100
Базис ёғлилиги 3,6 фоиз бўлган сут	1850
Тухум (1 минг дона учун)	580

ИЗОҲ: ишлаб чиқариш учун сарфланадиган жами ҳаражатлардан келиб чиқиб, мол ёғи етиштирувчилар учун унинг энг юқори улгуржи нархи ҳар килограммига 50 сўмгача қилиб белгиласин:

ҲАМДЎСТЛИКНИНГ АЙРИМ ДАВЛАТЛАРИДА АСОСИЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЧАКАНА НАРХЛАРИ

Номи	Ўлчов бирлиги	Узбекистон ўрта ҳисобда	Россия	Қозоғистон	Қирғизистон	Тожикистон	Туркманистонда ўрта ҳисобда
Қолипда пиширилган нон ўрта ҳисобида	сўм/кг	1,20	олий нави—эркин, I—II навлари — 1,35—2,90	1,80—2,80	3,30—4,10	1,60—2,90	1,50
Ун	«—»	1,80	эркин	2,50	4,50	о/н—эркин, I—II н—2,50—2,80	о/н—эркин I н—2,00
Макаронлар	«—»	3,00	эркин	эркин	эркин	эркин	эркин
Гуруч	«—»	5,00	эркин	эркин	эркин	эркин	6,00
Ўсимлик мойи	«—»	5,00	8,40—9,00	8,40	эркин	8,40—10,20	5,60
Чой	«—»	30,00	эркин	эркин	эркин	эркин	30,00
Қанд-шакар	«—»	8,00	7,70	7,70	7,70	7,00	8,80
Тухум	сўм/ўнтаси	5,00	эркин	эркин	эркин	эркин	эркин
Гўшт (I категорияси)	сўм/кг	30,00	эркин	эркин	эркин	мол гўшти—50,00 қўй гўшти—42,00 чўчқа гўшти—34,00 от гўшти, парранда гўшти—эркин	30,00
Сут (қаймоғи олинмаган)	сўм/литр	1,50	1,50	1,50	2,40	1,50	1,50
«Русская» ароғи	сўм/шишаси	35,00	40,00	41,00	60,00	40,00	42,00

Карима Араббоева ва Каромат Парпиевалар Фарғона вилояти Қува районидаги Мамазокир Обидов номли жамоа хўжалигида ишлашади. Бу икки илғор сут соғувчи бошқаларга ибрат бўларли ютуқларни қўлга киритиб, эл олқишини олмоқдалар.

Сут соғувчилар ўртасида меҳнат беллашуви яхши йўлга қўйилгани, уларга етарли шарт-шароитлар яратиб берилаётгани учун ҳам маҳсулот баракаси ошяпти. Мусобақадошлар ўзларига биркитилган ҳар бош сигирдан кунига 12—13 литрдан сер қаймоқ сут соғиб олишяпти.

СУРАТДА: пешқадам сут соғувчилар К. Араббоева ва К. Парпиевалар.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

«КОМСОМОЛКА»НИНГ КОМСОМОЛЧА ФАОЛЛИГИ

«Комсомолка» калтабин ҳам эмас, овсар ҳам. Хусусан, Ўзбекистон ёқларга қулоқлари динг нашрлар орасида унинг қулоғи айрича. Ҳали Тошкентнинг ўзида аҳолининг 98 фоизи «тилла шайх»да нечук ҳодиса рўй берганини билмай турибмиз, «Комсомолка» ўн тўртинчи марта муфтийни «ағдаради», ўн тўртинчи бор «янги муфтийни сайлайди». Ва шу йўл билан мана нечанчи борки, Ўзбекистон жумҳурияти кўчаларидан «ола мушук» бўлиб ўтади.

Қандайдир Д. Ғазабовга ғазаб қилмаймиз. Бунақа Ғазабовларнинг қайси бирига жавоб қайтарайлик.

«Комсомолка» эътиборига:

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг раиси, муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари ўз вазифаларида ишламоқдалар. У киши қисқа муддатда бир нечта китоб ёздилар ва ҳозир қуръони карим тафсирининг навбатдаги жузъи устида ишламоқдалар.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон Мусулмонлари диний бошқармаси.

• Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари

ЖАСОРАТГА ТЎЛА ҲАЁТ

Профессор Рустам Шамсутдинов давлат ва жамоат арбоби Иномжон Хидиралиевнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида «Жасоратга тўла ҳаёт» деб номланган ҳужжатли қисса ёзди. Бугунги кунда республикамиз меҳнат аҳли И. Хидиралиев таваллудининг 100 йиллигини нишонлаяпти. Қуйида қиссадан бир бобини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди. Тарихни тикладик... Улуғ боболаримиз руҳини шод этдик. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир сингари халқ жигарбандларининг номи, иззат-икроми, ҳурмати ўз жойига қўйилди.

И. А. КАРИМОВ.



ИНОМЖОН Хидиралиев пойтахтда яна масъулиятли ишларни давом эттирди. Лекин шу йилларда мард, жасур ва толмас инқилобчилар қозонган обрў-эътиборига путур етказишга интилганлар ҳам кам эмас эди. Ана шундай бўхтонлардан И. Хидиралиев ҳам бенасиб қолмади.

РКП(б) Марказий Комитетининг Бош котиби И. В. Сталин 1924 йил 26 мартда Ўрта Осиё бюроси раиси ўринбосари О. Я. Карклин ва Туркистон Компартияси Марказий Комитети котиби И. М. Варейкисга йўллаган хатида, жумладан, қуйидагиларни ёзган эди: «Сўллар партия ва совет ишида янги бузғунчилик уюштириб, ўртоқ И. Хидиралиев ва А. Раҳимбоевни бутунлай рад этишни ва умуман «революцион», сиёсат ўрнатишни ўйламоқдалар. Бу тўғрими? Агар тўғри бўлса уларнинг ўта «сўллиги» огоҳлантирилсин. Менинг фикримча, Марказкўм «сўлларга» Хидиралиев, Раҳимбоев ҳамда шуларга ўхшаш ўртоқларни «йўқотмоққа» йўл қўймайди. Шунинг учун ҳам йўл қўймайдики, чунки бунинг учун ҳеч қандай асос йўқ. Эндиликда Туркистонда ходимлар жуда зарур, маҳаллий кишилар эса шунчалик озки, ўртоқ Хидиралиевдек ходимларни менсимаслик жиноят ҳисобланади. «Сўллар» бунни тушунмайдилар.

...Хидиралиев сингари кадрларнинг Туркистон учун жуда беқиёс нафи тегиши мумкинлигига шубҳа билдириш мумкин эмас. Бундай ходимларни четлатишни мамлакатни бошқаришнинг бутун мураккаблиги, муҳимлигини тушунмайдиган кишиларгина қилиши мумкин... Ўртоқ Хидиралиевни сақлаб қолиш учун бутун чораларни кўришни илтимос қиламиз».

Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланишини ўтказиш, Ўзбекистон ССРнинг ташкил этилиши ҳам кўп жиҳатдан И. Хидиралиев фаолияти билан боғлиқдир.

Москвада 1924 йил 1 октябрда И. Знаменский Ўрта Осиё бюроси раиси ўринбосари номига йўллаган «Ўзбекистон учун кадрлар танлаш тўғрисида»ги хатида бўлажак Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси раислигига номзод қилиб Иномжон Хидиралиев, унга муқобил номзод қилиб эса Порсо Хўжаев номзоди, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Кенгаши раислигига Файзулла Хўжаев номзоди кўрсатилганини хабар қилганди.

1924 йил 18 октябрда Файзулла Хўжаев раислигида Ўзбекистон инқилобий қўмитаси тузилди. Унинг аъзоларидан бири янги жумҳурият ер-сув ишлари халқ комиссари сифатида И. Хидиралиев эди. Инқилобий қўмита Ўзбекистон Шўроларининг I таъсис қурултойини тайёрлади, Ўзбекистон Компартиясининг таъсис қурултойи ҳам бўлиб ўтди. Ҳар икки қурултойни тайёрлаш ва ўтказишда И. Хидиралиев фаол қатнашди, ер сув бошқа масалаларда маърузалар қилди. Қурултой ўзбек, рус, тожик тилларида олиб борилгани учун И. Хидиралиев қурултой вакилларининг нутқларини ўзбекчадан русчага, русчадан ўзбекчага таржима қилиб турди.

Шўролар қурултойида Марказий Ижроқўм раислигига номзод кўрсатишда гуруҳлараро кураш юзага келади. Зарафшон ва Тошкент вилоятлари вакиллари И. Хидиралиев номзодига қарши чиқиб, ахир И. Хидиралиев Туркистон жумҳурияти Марказий Ижроқўм раиси бўлган-ку, янги Ўзбекистонга яна уни давлат бошлиғи қилиб кўтариш мақсадга мувофиқ эмас, деган маънода фикр юритадилар. Вазиятни фаҳмлаган И. Хидиралиев ўз номзодини раисликка қўймасдан қайтариб олади. М. И. Калининга бу лавозимга бошқа бир шахсни қўйишликни тавсия қилади. Шунда М. И. Калинин: — «Сиз ўртоқ Хидиралиев фарғоналиксиз, фарғоналиклар сардорисиз, Ўзбекистон давлати бошлиғи лавозимига деҳқонлар ҳаётини биладиган, айни Фарғонадан номзод топиш керак, бу ишни сизнинг ўзингиз уддалайсиз», деб айтади. Шунга мувофиқ И. Хидиралиев қурултой вакилларидан бири, Марғилон уезди «Қўшчи» уюшмаси раиси Йўлдош Охунбобоев номзодини кўрсатади. Таклиф М. И. Калинин ва қурултой аҳлига маъқул бўлади. Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси раислигига Йўлдош Охунбобоев сайланади. И. Хидиралиев эса ЎзССР давлати ва ҳукумати таркибига жумҳурият ер-сув ишлари халқ комиссари сифатида киритилади.

Бухорода бўлиб ўтган партия ва Шўролар қурултойлари гуруҳбозлик руҳида ўтганлиги РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси раиси И. А. Знаменскийнинг И. В. Сталинга ўша кунлари ёзган баённомасида ҳам ўз ифодасини топганди. Унда Марказқўм ва унинг аппаратини тузиш чоғида оқимлар, гуруҳларнинг ўзаро кураши юз берганини, Файзулла Хўжаев билан Абдулла Раҳимбоев ўртасида таъсир доираси борасида кураш кетади. «Сўллар» аппаратни эгаллаб олиш учун курашадилар. А. Раҳимбоевга ҳам қарши турадилар. Улар айни вақтда И. Хидиралиевга ҳам қарши курашадилар.

И. Знаменский И. В. Сталинга ёзган хатида Ўзбекистон Компартияси Марказқўми бюроси бутунлигича бизнинг ёки бўлмасам Хидиралиев таъсиридадир деб айтганди. Шунингдек у партия қурултойида И. Хидиралиевга муносабат масаласи келиб чиққанлиги, «сўллар» ва Исломовнинг собиқ тарафдорлари И. Хидиралиевга қарши кайфиятда бўлганлигини таъкидлаб: «Улар ўртоқ Хидиралиевга қарши бирикиб, уни Марказқўмга аъзо қилмаслик учун қилган ҳаракатлари беҳуда бўлди, ўртоқ Хидиралиев Марказқўмга сайланди, аммо бу факт шундай ижобий аҳамиятга эгаки, ўртоқ Хидиралиев ҳали маълум вақтгача Ўзбекистон партия ташкилотида лидер бўлиш учун ҳаракат қилишидан дарак бериб турибди», — деб ёзган эди.

М. И. Калинин Бухорода бўлиб ўтган биринчи партия қурултойида қилган маърузасида И. Хидиралиев номини икки марта тилга олган эди. Юзлаб деҳқонлар Москвадаги ва Тошкентдаги университетларда, бошқа ўқув юртларида ўқиётган экан, бу ёш кучлардан самарали фойдаланишни Ўзбекистон Компартияси ҳозирнинг ўзидаёқ режалаштириши керак, уларга лавозим курсиларини тайёрлаб қўйиш лозим. Хидиралиев каби кекса ходимлар ҳам ишлашлари зарур, аммо улар билан ёнма-ён ёш кадрлар ҳам хизмат қилсинлар, деб айтганди М. И. Калинин.

Нутқининг охирида М. И. Калинин шундай дейди: «Мен Хидиралиев ҳақида гапирганимда, мен уни қишлоқда ишлаш бўйича катта тажрибага эга бўлган инсон экани учун қадрлайман».

Тарихий адабиётларда «18 лар гуруҳи» Ўзбекистон Компартиясидаги антипартиявий гуруҳ тарзида баҳоланиб келинди. Аксарият ҳамма адабиётларда, расмий ҳужжатларда «18 лар гуруҳи» ҳозиргача фақат қораланди. Бу гуруҳдагилар гўё ер-сув ислоҳотини амалга оширишга қарши чиққан бой-қулоқ ер эгаларининг манфаатини сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Эндиликда бундай қараш билан мутлақо келишиб бўлмайди. Бу муаммони вазминлик билан ҳар томонлама фикрлаш орқали ҳал этиш вақти етди.

«18 лар гуруҳи» тўғрисидаги масала Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг V пленумида (1925 йил 19—22 ноябрь), РКП(б) МКнинг Ўрта Осиё бюроси комиссиясида, Ўзбекистон Компартияси II қурултойида қараб чиқилди.

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси I қурултойи «Барча партия аъзоларини партияда гуруҳбозлик «18 лар» аризаси курашини тиклаш учун қилинган ҳар қандай уринишларга қарши кескин курашиш ва унинг қолдиқларини узил-кесил йўқотишга» чақирганди.

Аслида эса воқеа бошқача маънога эга эди.

Тўғри, Ўзбекистон партия ташкилоти Марказий Қўмитаси, давлати ва ҳукуматининг 18 нафар обрўли аъзоси, жумладан И. Хидиралиев, У. Ашуров, Р. Раҳимбоев, М. Ўринхўжаев, Ҳожибоев, Саиджонов, Раҳмат Рафиқов ва бошқалар Ўзбекистон Компартияси II қурултойи олдидан РКП(б) МКнинг Ўрта Осиё бюросига ариза билан мурожаат қилганлар. Аризага бошқалар қатори И. Хидиралиев ҳам имзо чеккан эди.

Шу вақтда И. Хидиралиев Самарқанддаги Абрамов кўчасидаги уйда бетоб ётганди. Ундан ҳам аҳвол сўраш мақсадида Самарқандга келган бир қанча арбоблар, оғайнилари И. Хидиралиев билан суҳбатлашадилар. Шундай шароитда у ҳам аризага имзо қўйганди. Ариза бор-йўғи икки жумладан иборат эди. Унда шундай дейилган: «Дўстона ва самарали ишлаш учун нормал шароит яратилганлиги сабабидан бизни Ўзбекистонда ишлашдан бўшатиб, РКП(б) ихтиёрига юборишингизни сўраймиз. Агар керак бўлса анча кенг важ-сабабларни баён этишимиз мумкин».

18 нафар йирик арбобларнинг бундай ариза ёзишга мажбур қилган вазиятни чуқур ва атрофлича билиш, жумҳурият раҳбариятида юзага келган маънавий-руҳий муҳитни, раҳбарлик қилишнинг ўша вақтда бир шаклга келаётган услуб ва усулларини англаш каби бир қанча ҳолатларни таҳлил қилиш орқали, аризани имзолаган шахсларнинг сиёсий-ижтимоий аҳволини таассувр қилиш орқали масаланинг туб моҳиятига тушуниб етиш мумкин.

Аммо ҳозирнинг ўзида архивлардаги қўплаб ҳужжатларни ўрганиш, айниқса, «18 лар гуруҳи»ни текшириш бўйича тузилган комиссиянинг материалларини, Ўзбекистон Давлат хавфсизлиги комитети архивидаги ҳужжатларни синчковлик билан кузатиш, ўша 40-йилларда қўлланилган нотўғри услуб ва усуллар, НЭП йўлидан четга чиқиш, маъмурий-буйруқбозлик тузилмасининг қарор топиши, кадрлар сиёсатидаги хатолар, миллий кадрларни асоссиз тақиб остига олишлар ва шунга ўхшаш бошқа омил, сабаблар «18 лар гуруҳи» ҳеч қандай антипартиявий гуруҳ эмаслигидан аниқ далолат бериб турибди. Улар ер-сув ислоҳотига ҳам қарши чиқмаганлар. «Бой-қулоқлар эгалиги»нинг манфаатини ҳимоя ҳам қилмаганлар. Улар шунчаки 20-йилларда Ўзбекистонда тоталитар режимнинг қарор топишига биринчи бўлиб қарши турганлар, социализмга бориш йўлининг муқобил, ўзига хос шаклларини ўртага ташлаганлар, Марказда неки амалга ошириладиган бўлса, унинг шундайлигича Ўзбекистон шароитига кўр-кўрона тадбиқ этилишига қарши чиққанлар.

Мана, вақтлар ўтиб ўша «18 лар гуруҳи»нинг ЎзКомпартия ва унинг. Марказий органи тутган йўл нотўғри эканлиги очиқ-ойдин маълум бўлиб қолди. Ўзбекистон заминида қулоқлар бўлмагани ҳолда қулоқларни синф сифатида тугатиш сиёсати олиб борилганини, индустриалаштириш, деҳқон хўжалигини жамоалаштириш, маданий инқилоб, миллий масалани ҳал этишдаги бузғунликлар маълум бўлиб қолди.

Бу воқеалар тарихига муносабатимиз тубдан ўзгарди. Ҳозирги кунда «18 лар гуруҳи»га И. Хидиралиевнинг мансублиги унинг фаолиятидаги салбий ҳолат эмас, балки ижобий ҳолатдир.

Бу ўринда И. Хидиралиевнинг Москвадан туриб 1927 йил 18 апрелда ЎзКомпартия МКига йўллаган хати тўғрисида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир.

«18 лар гуруҳи» аъзоларидан бири, И. Хидиралиевнинг маслакдоши халқ маорифи комиссари Раҳим Иноғомовнинг 1926 йил январида «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 8—10-сонларида «Зиёлилар тўғрисида» номли катта мақоласи эълон қилинганди. Унда миллий зиёлиларнинг инқилобгача ва ундан кейинги фаолияти ҳақида сўз юритилганди. Мақоланинг энг асосий концепцияси шу эдики, «Октябрь ўзгариши ўзбек халқи учун кутилмаган бир воқеа эди. Ва унга ўзбек меҳнаткашлари ҳозирлик кўрмаган эдилар. Чунки ўзбеклар орасида ўзгаришга ҳали замин ҳозирланмаган эди. «Ўзбеклар орасидаги октябргача бўлган ҳаракатнинг энг кучли йўли ёлғиз русларга ва рус истибдод ҳукуматига қарши бўлиб мустақилликка интилишда тарихий йўлни зиёлилар ўйнаган». Раҳим Иноғомов 1927 йили ЎзКомпартия Марказқўми пленумида ҳам нутқ сўзлаб, бир қатор соғлом фикрлар билдирган эди. Аммо расмий доирада унинг мустақил фикр-ғоялари «партия бирлигини бузмоқда» маъносида қабул қилинганди. Бу масалада И. Хидиралиев ҳам расмий йўл тутиб, Москвадан Ўзбекистон Компартияси Марказқўмига хат йўллайди. Унда шундай дейилганди: Пленумда сўзланган нутқлардан менга маълум бўлиши, носоғлом гуруҳлар (чунончи, «ўн саккизлар»нинг бири бўлмиш «Иноғомовчилик») ўз фаолиятини давом эттирмоқдалар, бу билан партия бирлигини заифлаштирмоқдалар.

Қандай сабаблар ва шароитларда «ўн саккизлар» аризасини имзолаганим Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети ва Контроль Комиссиясига маълум. МК пленумида кўрсатилган ўртоқларнинг нутқларидан сўнг ҳозирги вақтда менинг учун маълум бўлдики, мен «ўн саккизлар» гуруҳи билан ҳеч қандай ташкилий, ғоявий алоқада бўлмаганман, партия жипслигига кўмаклашиш мақсадида, юқоридаги оғмачилар ва гурухбозликка ўзимнинг муносабатимни аниқлаб олишни зарур, деб билдим.

Жамоа тарзда ёзилган аризани эҳтиётсизлик билан имзолаганимдан иборат хатоимни тан олиб, Марказий Комитетга мурожаат қилишни ўз бурчим деб билдим.

1. Мен ВКП(б) МКнинг Ўрта Осиё бюроси ва ЎзКП(б) МК йўлида сабот билан турганман ва тураман ҳам.

2. Ленинчиликдан, ВКП(б)дан барча оғаётганларни кескин қоралайман.

3. Шунингдек ЎзКП(б) ичида мавжуд бўлган барча оғмачиликни (иноғомовчилик ва бошқалар) қоралайман ва шунга ўхшаш оғмачилик ва антипартиявий гуруҳбозлик билан кескин кураш олиб бориш тарафдориман.

У 1926 йил февралида ЎзКП(б) МК пленумидаги аризамни етарли ҳисоблаб, ҳозирги аризани аввал бермаганим ҳам ўзимнинг хатойим эканини бўйнимга оламан.

Коммунистик салом билан И. Хидиралиев.

18/IV—27».

И. Хидиралиев партия ва давлат арбоби, хўжалик раҳбари, омма етакчиси бўлиш билан бирга қалами ўткир публицист ва ўз даврининг етук олимларидан эди.

Марказий журналларда И. Хидиралиев «Босмачилик ва Фарғона халқ хўжалиги», «Бизнинг совет шарқидаги навбатдан ташқари вазифаларимиз», «Ўрта Осиёдаги галдаги пахта компанияси олдидан» ва шунга ўхшаш мақолалар билан қатнашган. «Правда» газетаси унинг «Улуғ ўртоғимиз Ленин», «Шарқдаги совет қурилишининг проблемалари», «Бизнинг совет шарқидаги навбатдан ташқари вазифаларимиз», «У киши», «Шайтон омоч» мақолаларини чоп этди.

Худди шунингдек, «Известия» газетаси ҳам тез-тез И. Хидиралиев мақолаларини босиб турарди. У Туркистондаги «Известия», «Туркистанская правда» ва бошқа маҳаллий газеталарда ҳам ажойиб мақолалар билан қатнашиб турарди.

1925 йил сентябрида Совет Иттифоқи Фанлар академиясининг яъни Россия Фанлар академиясининг ташкил топганига 200 йил тўлиши кенг нишонланади. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР МИК Президенти 1925 йил 5 октябрда ўша тантанали юбилейда қатнашиш учун Ўзбекистондан вакиллар белгилаб, делегация раиси қилиб И. Хидиралиевни тасдиқлаганди. Бу ҳам унинг фан соҳасидаги маълум хизматларикенг илмий жамоатчилик томонидан эътироф қилинниши эди.

И. Хидиралиевни яқиндан билган, таниган дўст бирodarлари унинг зукко ақли, меҳнатсеварлиги ва самимийлигини алоҳида қадрлаганлар.

1923 йилнинг ўрталарида Олимжон Саркоров хотирасида у дўсти Жумабой ҳожи Парпибоев билан Туркистон Марказий Ижроия Комитети раиси И. Хидиралиев ҳузурига кириб, унинг учта машинисткага уч турдаги тегишли ҳужжатларни бир йўла айтиб туриб ёздираётганлиги устидан чиққанликлари эсланган.

— Юмуш кўп, — деганди ўшанда И. Хидиралиев дўстларига. — Лекин ҳаммасига улгурамиз.

У ўзини иш кўп жойга урарди, машаққатли юмушларни адо этарди. Ҳаммасини сидқидилдан бажararди. Бу эса айрим шахсларга ёқмасди. Улар пайти келганда қилдан қийиқ ахтариб И. Хидиралиев каби фидойиларга қарши фитналар уюштиришгача бориб етардилар. Шундай бўлса-да, И. Хидиралиев бехаловат дамлар ўтиб, ҳадемай ёруғ кунлар келишига ишонарди.

1929 йилнинг тарих остонасига қадам қўйишга саноқли дақиқалар қолди. Москвадаги «Националь» меҳмонхонаси хоналаридан бирида И. Хидиралиевнинг ҳаёт йўлига якун ясалди. Янги йилнинг 3 январида «Правда» газетасида И. Хидиралиевнинг бевақт вафоти ҳақидаги таъзиянома сурати билан бирга босилди.

Ўлимидан кейин И. Хидиралиевнинг сафдошлари, дўстлари ҳайрия йўли билан унинг оиласига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб турдилар.

Марҳумнинг ўғли Акром, қизи Махфират катта бўлиб вояга етгач, мустақил ҳаёт йўлига ўтгач 1937 йил октябридан пенсия тўхтатилди, турмуш ўртоғи эса 1987 йилга қадар, умрининг охиригача пенсия олиб келди. Тўғри 1937 йили И. Хидиралиев жисман бўлмаса-да, уни ўлимидан сўнг «халқ душмани», «инглиз жосуси», «Ватан хоини», «буржуа миллатчиси», «аксилинқилобчи» каби ёрлиқлар билан бадном қилдилар. Минг афсуслар бўлсинки, замоннинг зайли туфайли айрим, ноҳақликлар, бўхтонлар чуқур илдиз отди. Шунинг учун ҳам И. Хидиралиевнинг архиви бизгача етиб келмаган.

Мудҳиш 1937—1938 йилларда унинг уйида тинтув ўтказилди. Англиядаги фаолияти билан боғлиқ бўлган ноёб ҳужжатлар, эсдаликлар, фотосуратлар Андижон область ички ишлар бўлимига топширилди. Чунки уни шахсга сиғиниш йилларига келиб, инглиз жосуси сифатида «халқ душмани» деб қоралашгача бордилар. Ўша вақтларда Андижон НКВДсида ёнғин чиқиб, у ҳақдаги ноёб ҳужжатларнинг кули кўкка совурилди.

Ҳақиқат букилади, лекин синмайди. Ёруғ кунлар ҳам етиб келди. Адолатсизлик қурбони, ўзбек халқи ичидан чиққан биринчи дипломат, мард ва фидойи инсон И. Хидиралиев ўз халқининг ардоғида мудом эъзозланаяпти...

Рустам ШАМСУТДИНОВ,
профессор.

• Мактубларни варақлаганда

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

«Қишлоқ одамларига, айниқса мавсумий ишлаган фуқароларга қайси ҳолларда (компенсация) товон пули тўланади! Шу ҳақда батафсилроқ маълумот бersангиз! Лекин бизда ишсизлар жуда ҳам кўп. Аммо уларни иш билан таъминлаш учун ҳам маҳаллий ҳукумат кўп тадбирлар қиляпти» — деб ёзибди Андижон вилоят Ленин район Ленинобод қишлоқ аҳолисини иш билан банд этиш бўлимининг бошлиғи Ш. Расулов.

Ушбу саволга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқармаси бошлиғи, ҳуқуқшунослик олий билимгоҳи меҳнат ҳуқуқи кафедрасининг доценти Орол Эргашевич ЭРНАЗАРОВ жавоб беради.

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1991 йил 5 апрелдаги ҳужжатида кўрсатилишича, ҳомиладорлик отпускаси ёки боласи 1,5 ёшга етгунга қадар бўлган оналар ҳар ойда 100 сўм миқдорида товон пулини иш жойидан олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Агар она вақтинча ишламаётган бўлиб, боланинг отаси ишлаб турган бўлса, унинг ишлаётган жойидан шу миқдордаги пул тўланади.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганига қадар иш билан таъминлаш органларида иш қидирувчи, меҳнат қилишга қобилиятли шахслар сифатида рўйхатга олинган ва бу органлар иш билан таъминлаш бўйича таклиф қилмаган, вақтинча иш билан банд бўлмаган аҳолига ҳар ойда 100 сўм миқдорида товон пули берилади.

Бу нафақани тўлаш халқ депутатлари вилоят Кенгаши комиссиясининг рухсатидан кейин ариза берилган кундан бошлаб вақтинча иш билан банд бўлмаган шахс ишга жойлаштирилгунгача (лекин 6 ойдан кўп бўлмаган муддатда) амалга оширилади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда бундай нафақа қуйидаги шахсларга белгиланади:

— корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг қайта ташкил қилиниши ва тугатилиши, ходимлар сони (штатлар) қисқартирилиши натижасида ишдан маҳрум бўлганларга;

— ўзига биринчи бор иш қидирувчиларга;

— 3 ойдан ортиқ ишламаётганларга;

— ўқув юртларининг кундузги бўлимларида, умумтаълим ва профессионал тайёргарликни ниҳоясига етказганларга;

— қуролли кучлар сафларидан, чегара, ички қўшин ва темир йўл қисмларидан, давлат хавфсизлиги органларидан запасга бўшатилганларга;

— суд ҳукми билан жиноий жазони ёки мажбурий равишда даволашни амалга оширувчи муассасалардан озод этилганларга;

— мустақил меҳнат қилиш фаолиятидан даромад олишни йўқотган шахсларга;

— бошқа ҳолларда — халқ депутатлари ижроия қўмитаси аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш комиссиясининг қарорига биноан амалга оширилади.

Ленинобод қишлоқ Советида истиқомат қилувчининг мактуби мазмунидан шу нарса кўринадики, пул нафақаси, яъни товон пули ололмай овора бўлаётган шахслар асосан мавсумий ёки қисқа муддатли шартномага асосан вақтинча меҳнат қилувчи фуқаролар тоифасига киришлари мумкин.

Афсуски, республика қонунчилигида бундай тоифадаги шахсларга пул нафақаси — товон пули тайинлаш тўғрисидаги қоидалар ҳалигача мавжуд эмас.

Шунинг учун бундай шахслар ўзлари истиқомат қилаётган ҳудуддаги халқ депутатлари Совети ижроия қўмитаси аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

Комиссия бундай шахсларга уларнинг ижтимоий муҳофазаланганлиги даражасига қараб ва маҳаллий бюджет имкониятларидан келиб чиқиб нафақа тайинлаш масаласини мустақил ҳал қилиш ҳуқуқига эга.

ЖАРОҲАТ ҲИСОБМИ ЁКИ...

— Илгариги дориламон даврларда пенсия пулига эътибор бермаган эканман. Бозор иқтисоди, деган гапсўзлар чиққандан бери бу нарса биздай нафақахўрларни қийин аҳволга солиб қўйди, — деб ёзади Тошкент шаҳар, Шарофутдинов тор кўчасининг 3-берк кўча, 9-хонадонида истиқомат қилувчи Икром ота Зарипов. — Нафақамнинг кўпайиб 184 сўм бўлганига эндигина бир йил бўлганди. Шу пайтгача унинг миқдорини айтишга уяларди киши. Лекич ҳозирги шароитда буям пул бўлмай қолди. Бу пул билан бозорга чиқсанг тўрванга урвоқ ҳам бўлмайди.

Ажабланарлиси шундаки, Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг ҳаммаси бир хил имтиёзлардан фойдаланмаётир. Улар уч гуруҳ ногиронлик даражасига бўлиниб, жароҳатига қараб нафақалар тайинланган. Лекин менга ўхшаб худо ярлақаганиданми ёки пешонамга ёзилмаганиданми ҳарқалай жароҳатланмай тўрт мучали соғ бўлиб фронтдан қайтган кўпчилик анчагина имтиёзлардан фойдалана олмайдилар. Ҳолбуки, бу соҳада адолат ўрнатиш учун жароҳат билан бирга жасоратни ҳам инобатга олиш даркор эди. Нега деганда, биргина ўзимдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам фронтда бўлиб ўндан ортиқ шаҳарларни озод қилишда қатнашиб, «Қизил юлдуз» ордени, жанговар медаль ва қўмондонликнинг ўндан зиёд раҳматномалари билан тақдирланганман. Лекин ҳозир на поликлиника, на дам олишга йўлланмаларидан фойдалана оламан.

Ҳалиям Президентимизнинг пенсиянинг энг кам миқдорини 350 сўм қилиб белгилагани биз нафақахўрларни хурсанд қилди. Унинг бундай хайрли ишларини табриклаб унга кўмак беришга, қўллаб-қувватлашга сизларни ҳам даъват этаман.

И. ЗАРИПОВ,
нафақахўр, уруш ва меҳнат фахрийси.

ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ БЎЛИМИДАН: Рўзномамиз республикамизнинг турли бурчакларидан турли мавзуларда хат-хабарлар олиб турибди. Айниқса, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун унинг аҳолисини, сиёсий партиялар раҳбарларини бирдамликка ундовчи хатлар келиб турибди.

Поп районидан меҳнат фахрийси К. Қодиров, Урганч шаҳридан П. Тўйлиев, Хива шаҳридан Э. Машарипов, Чимкент районидан А. Абдунабиев, Тўрақўрғон шаҳридан А. Муҳаммаджонов, асакалик Ф. Асамутдинов каби ўқувчиларимиз ҳам ана шундай мазмундаги хат-хабарларни йўллашган.

Таҳририят фаол жамоатчи мухбирларимизга янги йилда сиҳат-саломатлик ва ижодий баркамоллик тилаб қолади.

Ҳозир Меҳнат Қизил байроқ орденли Тошкент аграр дорилфунуни сиртқи бўлимига ҳужжатлар қабул қилиш давом этяпти. Сиртқи бўлимда тўққиз мутахассислик бўйича 700 та талаба билим олади.

Суратда: сиртқи бўлим бўйича қабул комиссияси маъсул котиби энтимология ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси доценти Шамси Эсонбоев абитуриентлар билан суҳбатлашмоқда.
Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ сурати.

ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

БЎР ТАҚЧИЛ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикасида минглаб тонна бўр етишмаяпти. Айни вақтда қурилиш лойиҳаси илмий-тадқиқот илмгоҳи билан Харьковдаги «Карбонат» илмий-тадқиқот илмгоҳининг олимлари муаммони ҳал этиш иложини топдилар. Улар Ўзбекистондаги саккизта оҳак конини ўрганиб, шундай хулосага келишди: Жиззах яқинидаги оҳак кони тақчил маҳсулотни ишлаб чиқариш учун яроқли эканини айтишди.

Тажриба-саноат синовлари ҳам уларнинг фикрини тасдиқлади. Жиғули биноқорлик материаллари комбинатида Ўзбекистондан олиб борилган тўрт юз тонна охак қайта ишланди. Мутахассисларнинг хулосаларига кўра, олинган бўр кимёвий жиҳатдан тоза бўлиб, сифати жуда яхши. Уни саноатнинг озиқ-овқат, тиббиёт, резинотехника, кимё, кабель ва атир-упа тармоқларида қўлланиш мумкин.

Кўтарма конидаги оҳак запаслари 2 миллион тонна атрофида ҳисобланмоқда. Бу оҳак республикамизни таъминлаш учун ҳам, қўшниларимизга бўр сотиш учун ҳам етади. Бекобод оҳак заводи бу йил 28 минг тонна қувватга эга бўлган цехни ишга туширишни режалаштирмоқда. Кейинчалик эса Жиззахда қурилаётган оҳак заводида бўр ишлаб чиқаришни ўзлаштириш режалаштирилмоқда.

ФАРҒОНА ТАМҒАСИ БИЛАН

Фарғона пойабзал фабрикаси ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ёнига эркакларнинг кроссовкалари ва этиклари қўшилди. Янги маҳсулотлар ватанимизда, шунингдек ҳорижда, энг аввало Германияда ишлаб чиқарилган ускуналарда тикилмоқда.

— Янги корхонанинг ўзига хос хусусияти шундаки, пойабзал конвейерда тайёрланмайди, балки ҳар бир косиб уни ўз қўли билан тикади, — дейди корхона бош технологи С. Домковская. — Шу сабабли пойабзалнинг сифати юқори. Маош ҳам шунга яраша. Бу эса меҳнат унумдорлигини кўпайтириш учун жуда қулай бўлмоқда.

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА

Тошкент перфоратори жаҳон миқёсида рақобат қила олади — мутахассислар Тошкентдаги «Геологоразведка» тажриба-синов заводининг янги маҳсулотига шундай баҳо бердилар.

Бундай перфораторлардан нефть ва газ конларини қидиришда ва ёқилғининг ана шу турларини қазиб олишда фойдаланилади. Уларнинг вазифаси қудуққа туширилган қувурларни тешиш ва бу билан нефть ҳамда газнинг юқорига чиқиши учун йўл очишдан иборат. Аввалги перфораторлар бундай операциядан сўнг ўз-ўзидан бузилиб, қудуқни ифлослантирарди. Энди ана шу нохуш жараён бартараф қилинди. «Геологоразведка» заводи ишлаб чиқарган перфоратор бир «зарб» уришда ўзида мингта тешик очади, лекин қудуқни ифлослантирмайди.

Ёпишқоқ ва оғир қоришмалар билан тўлган қудуқларда мазкур перфоратор жуда яхши ишлайди. Бу унинг афзалликларидан ҳисобланади.

(ЎзТАГ мухбири).

• НАЗМ ДАФТАРИДАН

СОҒИНИБ ЯШАЙМАН

Ушбу шеърлар муаллифи Андижон вилоятининг Бўз туманида шеърият бўстонини барпо этган, юртдошлари қалбида Чўлпондан тортиб Муҳаммад Юсуфгача бўлган шоирларимиз ва уларнинг буюк устозларига меҳр уйғотаётган Тўлан Низом ўғлидир.

Мен Тўлан Низомни адабиётимизнинг жонкуяр фидойиси сифатидагина эмас, айни пайтда нозиктаъб шоир сифатида ҳам узоқ йиллардан бери биламан. Шоир қалбидаги дўст-ёрларига, юртдошларига, нафосат аҳлига меҳр унинг шеърларига ҳам нур сочиб туради. Мен ҳар сафар унинг янги шеърларини ўқир эканман, уларда ўз аксини топган шоир қалбининг товланишларини кўриб, иссиқ тафтини ҳис қилиб бенхтиёр яйраб- қувониб кетаман. Шояд, сиз, муҳтарам муштарийлар ҳам ана шу шеърлардан мендек баҳра олсангиз.

Наим КАРИМОВ.

ШЕЪР АЙТГИМ КЕЛЯПТИ, ОНАЖОН

Қора тун тарқалур нур яқин,
Жисмимни куйдирар бир чақин,
Соғинчдан юрагим зўр оқин,
Ларзага келтириб кўк тоқин —
Шеър айтгим келяпти, Онажон.

Суратинг ҳеч кўзимдан кетмас,
Дод десам-да овозим етмас,
Ер-ку бориб хабарим айтмас,
Дардим битмас, шеърларим битмас,
Шеър айтгим келяпти, Онажон.

Мозорингга ўтқаздим бир гул,
Эрта-ю кеч йиғлаб турар ул,
Бош кўтаргил, унга қараб кул,
Шоҳларига қўнсайди булбул,
Шеър айтгим келяпти, Онажон.

Қолдим баъзан ғам ичра нолон,
Шунчалар ҳам тормикан жаҳон,
Кўнгил оғрир, жигарим ҳам қон,
Садо қилмас ер билан осмон,
Шеър айтгим келяпти, Онажон.

Келин кўрсам деб, айтган эдинг,
Набиралар ғамин ҳам единг,
Бош ўғлимни, бу Бунёд дединг,
Кичкинасин — бу Озод дединг,
Шеър айтгим келяпти, Онажон.

Сенга ўхшаш одам бормикан,
Она каби ҳамдам бормикан,
Она номли зўр ғам бормикан,
Онасиз ҳам олам бормикан,
Шеър айтгим келяпти, Онажон.

Сенсан мададкорим, Сен — кучим,
Эзгуликка тўлган бор ичим,
Ҳеч кимга йўқ ҳасадим, ўчим,
Шеърга битмоқ фарзандлик бурчим,
Шеър айтгим келяпти, Онажон.

ТЎРТЛИКЛАР

Айвонимда вижирлайди икки қалдирғоч:
Зор кутганинг келаётир, дастурхонни оч.
Югураман дарвозага солиб пойандоз,
Қуёш туққан зўр дўстликка очаман қулоч.

* * *

Бас қил, ҳузуримда сўзлама, фақат,
Қора дилсан, қора юзсан, қора хат.
Сен — жаноза дафтарисан, рост,
Тугамайди варақларинг қатма-қат.

* * *

Ёмон дамлар ўтиб кетару
Лекин, қалбда чизгиси етар.
Яхши кунлар келади бир
пайт.
Унда юрак қурғур ҳам
тўхтар.

* * *

Умр қайтмас,
Дунё — бепоён
Ғунча айтмас;
Кўк доруломон.

* * *

Бўса — ваъда...
Висол — вафо.
Юрак зада;
Недир — Жафо!

* * *

Ният — умрим сози,
Кўнглим — илҳом нози.
Ростгўй шеърим айтсам,
Юртим бўлса рози!

* * *

Шеър туморим — муқаддас,
Қалбим — севгим ошёни.
Усиз ҳеч даркор эмас:
Дунёнинг тўрт томони.

* * *

Елда елпинади оппоқ, тоза
гул,
Чаманлар ичинда ул овоза
гул.
Кеча булбул кетди бизнинг
боғлардан,
Бугун тонг маҳали очди
аза гул.

* * *

Дунёнинг севгани олтин,
ганч экан,
Доно манглайида доим
ранж экан.
Доною нодонни билмаган
дунё —
Аҳволи шундан-да, кўп
аянч экан.

Тўлан НИЗОМ

БОБУР ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Қуёш чўкур, ҳижрон тоғи қолди қонли манглай била,
Япроқ тўкур умрим боғи, кун ҳам ўтди ҳай-ҳай била,
Афсус чекур, кўк чироғи, бош тебратур бай-бай била.
Соқий эрур ишрат чоғи афсурда бўлма дай била,
Уттек чоғир келтир, доғи суҳбат туноттур май била.

Тийиб олгум кўзда хобин, чорла жами дўст—ахбобин,
Дастурхонга қўй серобни — беминнат ул офтобин.
Бу кун дегил бир жавобни, сенга бердим зўр савобни,
Келтур шароби нобни, омада қил асбобни,
Хуш тут шаби моҳтобни, чун бордурур ул ой била.

Навоийдек ғазал ёд қил, менга янги жой бунёд қил,
Аҳёларни ўзинг мот қил, қайғулардин бир озод қил,
Ғолиблик не, бот-бот қил, тоза руҳим кушод қил,
Даврон ғамин барбод қил, ишрат уйин обод қил,
Жону кўнгилни шод қил, овози чангу най била.

Хўп ўйнасин сўзи шакар, куйдириб кўзим жилвагар,
Ҳам куйласин тонгга қадар, созин чалиб ул нағмагар,
Унга бергил азми шаҳар, ол минг тилло турса гар,
Мажлисда бордур сарбасар, май нашъасидин шўру шар,
Борини масту бехабар қил жоми пайдар-пай била.

Ишқи боре қониким, ул гирифторе қониким,
Умри озоре қониким, ҳам беқароре қониким,
Низомий хоре қониким, мажнун шиоре қониким,
Ҳамдард ёре қониким, бир ғамгусоре қониким,
Абри баҳоре қониким, Бобур киби йиғлай била.

ҲАЗИНИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Соғниб тинди кўзим, ҳайрона тонг отгунча,
Кўксимдин қонлар сочиб ҳар ёна тонг отгунча,
Бу ёруғ жаҳон мисли зиндона тонг отгунча,
Ҳижрон ўтиға бағрим сўзона тонг отгунча,
Ўртаб юрагим, бағрим бир ёна тонг отгунча.

Дил синди, қалбим яро, тунлари ётолмайман,
Фош ўлдим олам аро, ҳар сори кетолмайман,
Тақдирим, бахтим қаро, дафтарга битолмайман,
Мен Вомиқу сен Узро, васлингга етолмайман,
Ҳар кеча қароргоҳим остона тонг отгунча.

Дунё борича борсан, сен — қўйнимда туморим,
Сени деб кўз очганман, ўзинг аҳду қарорим,
Куяр ўтда бу жоним, ўзлигим, номус, орим,
Раҳм айла бу ҳолимга, эй кўзлари ҳумморим,
Ҳажрингда бу кўнгиллар вайрона тонг отгунча.

Ошиқ ўлдим, ишқ аҳли кўрмаган мисолимни,
Сенки, эй парвойи йўқ, билмайсан аҳволимни,
Юрак санчиб қоладир, тортурсан уволимни,
Ҳеч кимга деёлмайман арз ила бу ҳолимни,
Қонга жигарим тўлди гирёна тонг отгунча.

Оҳ урсам боғлар куяр, ҳасратим аён айлаб,
Йиғласам, қон йиғлагай тоғлар ҳам забон айлаб,
Еткурса, изинг ўпсам қанийди имон айлаб,
Хилватда агар кўрсам, арзимни баён айлаб,
Сен бирлан бўлай анда ҳамхона тонг отгунча.

Келар бўлсанг, нигоро, Низомийга хабар қил,
Кел, жафога ғорат сол, сен ишқда бир самар қил,
Сочингни қўлга кишан, ё белимга камар қил,
Оқшомда жамолингни бир лаҳза муаттар қил,
Айтай сенга ҳолимни, парвона тонг отгунча.

Сендек гули тожим йўқ, ҳар гўшада йиғларман,
Сенсиз дил ҳирожим йўқ, ҳар гўшада йиғларман,
Сенсиз ёр, ривожим йўқ, ҳар гўшада йиғларман,
Найлайки иложим йўқ, ҳар гўшада йиғларман,
Тор ўлди Ҳазинийга Фарғона тонг отгунча.

АХБОРОТ

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ ЎРГАНИБ

● Сиёсатшунослик ва бошқарув олий билимгоҳи қошидаги тадбиркорлик миллий дорилфунунида акционер ва брокерлар тайёрлаш бўйича навбатдаги машғулотлар бошланди.

Миллий дорилфунун хўжалик ҳисобидаги махсус билим юрти бўлиб, бу ерда бир мақсадга қаратилган мажмуа ўқув дастурлари бўйича халқ хўжалигининг раҳбар ходимлари, мутахассислари, ишбилармонлар малака ошириб, қайта тайёрлаш билан шуғулланадилар. Брокер идоралари раҳбарлари ва мутахассислари учун бир ойга мўлжалланган машғулотлар ташкил этилади. Улар «Халқаро савдонинг асослари, биржа ва брокер идораларининг фаолиятини ташкил этиш» курсини ўтайдилар.

«Акционерлик ташкил қилиш, қимматбаҳо қоғозлар билан муомалада бўлиш» ўқуви Ўзбекистон Республикаси «Тошкент» уни версал биржаси билан ҳамкорликда уюштирилади. Масалан, «Тошкент» биржаси бўлимининг бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди И. Л. Бутиков «Қимматбаҳо қоғозларнинг хили ва уларнинг ҳосияти», «Акционерлик жамиятлари ва уларни ташкил қилиш ҳамда бошқарув органлари», «Фонд биржаси ва биржа жараёнлари механизми» каби мавзуларда суҳбатлар ўтказади. Машғулотлар уюштирилади.

Машғулотлар ва ишбилармонлик ўйинлари ўтказиш бўйича Россия Федерацияси молия органлари ҳамда давлат банкининг малакали мутахассислари, масъул ходимлари, Плеханов номли Москва халқ академияси ва бошқа олий ўқув юртларининг тажрибали олимлари билан битимлар тузилган. Машғулотлар москвалик ишбилармон ва тадбиркор мутахассислар иштирокида ўтказилувчи амалий ишлар билан якунланади.

Р. ҲОШИМОВ.

МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

Спорт кийимлари тикиладиган эксперементал фабрика Тошлоқ районидаги энг кенжа саноат корхонаси ҳисобланади. Шунга қарамай унинг жамоаси тайёрланаётган буюмлар турини кўпайтирмоқда. Ҳозир бу ерда саккиз хил кийим-кечак тикиляпти. Болалар жемпери ва майкалари, спорт формалари айниқса тез сотилмоқда.

Ўтган йили корхона қарийиб 85 минг сўм соф фойда кўрди. Даромаднинг бир қисми ишчиларга мукофот учун, шунингдек овқат пули, ёш болали аёлларга нафақа учун сарфланди.

(ЎзТАГ).

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ШСБ УЗ

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ ҚУРИЛИШ АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ—

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЭНГ ЙИРИК БАНКИДИР

Банкнинг ўсиб бораётган низом жамғармаси аллақачон 500 млн. сўмни ташкил этди ва кредит имкониятлари ҳажми 10,0 млрд. сўмдан ошиб кетди.

Бизнинг хизмат ишбилармонлиги соҳасидаги ҳамкорларимиз сафидан Германия, Швейцария, Франция, Чехословакия, Италия ва Туркия бизнесменлари ҳам ўрин олганлар.

«СВИШ БАНК КОРПОРЕЙШН» (Цюрих, Швейцария), «КОММЕРЧНИ БАНК» (Прага Чехо-Словакия) банкларида Ўзбекистон саноат қурилиш банки аллақачон ўзининг ўзаро алоқа ҳисоблари (кор, счёт)ни очгандилар. Январда ана шундай ўзаро алоқа ҳисоблари Германия, Франция, Италия, Туркияда ҳам очилади. Шундай қилиб, Ўзбекистон саноат қурилиш банкининг мижозлари тўғридан тўғри (бевосита) чет эл банк тизимларига чиқиш имкониятига эга бўладилар.

Банк даромадлари кундан-кунга ортиб бормоқда. Ҳатто ҳозирги мураккаб давримизда ҳам барқарор йиллик даромад оладиган бўлғуси акциядорлар учун бунинг аҳамияти катта.

Ўзбекистон саноат қурилиш банки бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида қимматбаҳо қоғозлар бозорини барпо этиш арафасида турибди.

Ўзбекистон саноат қурилиш банки ўзининг акциядорлари бўлиб улгурган барчага ташаккур изҳор этади ва акцияларни уларнинг ҳақиқий баҳоси бўйича сотиш тўхтатилганлигини маълум қилади.

Ўзбекистон саноат қурилиш банки ўз акцияларини «ТОШКЕНТ» биржасидаги савдо-сотиқлар орқали сотади. Акцияларнинг қиймати шундаки алоҳида акциялар ва уларнинг тўпламларини ҳуқуқий шахслар ҳам, алоҳида фуқаролар ҳам харид қила оладилар.

Ўзбекистон саноат қурилиш банкининг акцияларини «ТОШКЕНТ» биржасининг савдо-сотиқлари орқали харид қилиш масалалари юзасидан «ИЗЛАШ» брокерлик фирмасига мурожаат қилинсин.

ДАСТЛАБКИ ОЛДИ-СОТДИЛАР 31 ЯНВАРГА БЕЛГИЛАНГАН.

Мулоқот телефонлари: 33-34-46, 32-00-28.

• СПОРТ

ТАН ОЛИНДИ

● ХАЛҚАРО футбол федерацияси билан Европа футбол уюшмалари иттифоқи Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Югославия терма жамоаларини Европа чемпионати ҳал қилувчи ўйинларида иштирок этиши мумкинлиги ҳақида қўшма баёнот беришди. Шунингдек, собиқ СССР футбол федерациясининг вориси сифатида таъсис этилган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги федерациялари уюшмаси ҳам тан олинганлиги маълум қилинди. Шундай қилиб, СССР терма жамоаси футболчилари қитъа биринчилиги учун курашни давом эттириш имкониятига эга бўлишди.

СОВРИНДОРЛАР САФИДА

● МОСКВАДА ўтказилган трек пойгаси мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Олти кун давом этган мусобақа қишки чемпионат дастури асосида ташкил этилди. Пойгада Ҳамдўстлик Давлатлари спортчилари қатори майдонга тушган сирдарёлик Сергей Новиков ҳам совринли ўринлардан бирига астойдил даъвогарлик қилди. У маррада учинчи бўлиб, бронза медалини қўлга киритди.

• МУШТАРИЙ МУЛОҲАЗА ЮРИТАДИ

ХАЛҚ СУДИ

У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Ҳозирги пайтда эски қонунларнинг ниҳоятда умумийлиги, уларни амалга ошириш мушкуллиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари моддий-техника базасининг ночорлиги ва ниҳоят, ҳуқуқ тизилмасининг эскириб қолганлиги ҳақида кўп гап-сўз юритилмоқда. Дарҳақиқат, қайта қуриш жараёни чуқурлашгани сари бу соҳадаги муаммолар янада ёрқинроқ кўзга ташланаётир. Юқори органларга тушаётган ариза ва шикоятларнинг кўпчилиги ҳам айнан ҳуқуқ муҳофазаси идораларининг нотўғри фаолияти билан боғлиқ.

Хўш, бундай пайтда қандай йўл тутиш керак? Хусусан қонун қурилмасининг муҳим қисми ҳисобланган халқ судлари ишини турмушга яқинлаштириш ва жонлантириш учун нима қилмоқ керак? Мен ана шу ҳақда ҳурматли муштарийлар билан фикр алмашмоқчиман.

Очиғи, халқ судлари фаолиятидан меҳнаткашларнинг кўнгли тўлмаяпти. Айрим ҳамкасбларимизнинг носамимий ҳаракатларини тан олган ҳолда баъзан бу камчилик уларнинг иродаси билан бўлмаётганлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Гап шундаки, халқ судларининг бугунги иш тутуми, тизилмаси давр талабига жавоб беролмаяпти. Бундай мулоҳаза юритишимга маънавий ҳуқуқим бор. Мен 45 йилдан бери адлия идораларида ишлайман. Суд маҳкамаларининг ишини пухта ўрганганман.

Энг аввало район ва шаҳар халқ судларининг ташкилий иш тутуми назаримда ҳозирги талабга жавоб бера олмаяпти. Суд раиси футбол жамоасидаги ўйновчи тренерга ўхшайди. Унинг ҳуқуқи ва маоши ҳам бошқаларникидан унчалик фарқ қилмайди: ҳудудий судьялар қатори иш кўриши, ҳужжатлар тўғрилаши зарур. Судьянинг икки нафар котиби, ижрочиси бор. Котибларнинг бирортаси муайян сабаб билан ишга келмай қолса, барча юмуш иккинчисининг зиммасига тушади. Суд жараёнини ёзиб бориш, ҳукм, қарор ва бошқа ҳужжатларни чоп қилиш, расмийлаштириш осон иш эмас. Айниқса, аҳолидан мурожаатлар кўпайиб бораётган бир пайтда. Агар ижрочи ишга келмай қолса, унда бошқа судьядан ёки адлия бошқармасидан ёрдам сўраймиз.

1960 йилга қадар район суди 6 кишидан — қози, ижрочи, уч нафар котиб, котиба-машинистка, курьер-фаррошдан иборат эди. Назаримда ана шу тизилма жуда маъқул. Агар биз ушбу таркибда участка судларини тузсак айни муддао бўлади. Чунки участка суди ўз ҳудудидаги ишлар учун бевосита жавобгар масъул. Шу боисдан атрофдаги корхона, ташкилотларни, идораларни, кишиларни пухта ўрганишга мажбур.

Участка суди бўлса бошқарувнинг битта бўғини. Яъни, иш вилоят судидан тўппа-тўғри участка судининг қўлига келиб тушади. Ҳозирги пайтда бу иш аввал суд раисига юборилади. Мен уни ўрганиб, маълум муддат ўтгач участка судьясига бераман. Кўрилган иш ҳам муайян вақт ичида раис томонидан ўрганилади, то вилоят судига топширилгунча вақт ўтади.

Маълумки, ҳар бир халқ судида 75 нафар халқ маслаҳатчилари сайланади. 1960 йилгача бўлгани каби ана шу маслаҳатчилардан 2 кишини судьянинг ўринбосари этиб тасдиқлаш зарур. Бунда албатта маслаҳатчининг ҳуқуқий савияси, тажрибаси ва обрўси ҳисобга олиниши керак. Чунки судья бирор ерга кетган вақтда улар ишни мустақил кўраверишади.

Биз участка судлари давр талабига мос тушишини далиллар билан исботлаб, ҳеч бўлмаганда район ҳудудида бу усулни қўллашни сўраб халқ депутатлари Боғишамол район Кенгаши раёсатига мурожаат қилдик. Депутатларга таклифимиз маъқул тушди ва улар район ҳудудида участка судларини тузиш ҳақида қарор қабул қилдилар. Районимизда 4 та милиция бўлими бор. Синов учун биз ҳам тўртта участка туздик. Чунки иккала орган қўшилса ишлаш осон кечади, муаммоларни ҳамкорликда бартараф этишади. Минг афсуски, халқ депутатлари вилоят Кенгаши раёсати бу қарорни бекор қилди. Ваҳолонки, бу масалани атрофлича ўрганиш ва Олий Кенгаш эътиборига ҳавола қилиш мумкин эди.

Нечун биз вақтида тажрибадан ўтган усулни қўллашдан чўчишимиз керак?

Яна бир нарса. Халқ судлари ҳозирги шароитда ишга ниҳоятда кўмилиб кетган. Бунинг устига ҳозирга қадар маъмурий ва ижро қилувчи судлар тузилган эмас. Шуни ҳисобга олиб барча меҳнат ва фуқаролик ишларини кўриб чиқишни муайян раҳбар ёки касаба уюшмалари зиммасига юклаш зарур деб ўйлайман. Ваҳолонки, дунёдаги аксарият мамлакатларда бу иш касаба уюшмаси ва маъмуриятнинг ички масаласи ҳисобланади. Улар амалдаги қонун асосида йўл тутадилар.

Мен бу гапларни бекорга айтмаяпман. Ҳадемай, бозор иқтисодиётига тўла ўта бошлаймиз. Корхоналар ортиқча ишчи кучидан қутилиш чорасини кўришади. Агар судларга ҳар куни юзлаб одамлар ўзларини ишга тиклашларини сўраб мурожаат қилсалар қандай йўл тутишимиз керак? Биз одамларни ишга тиклаш йўли билан янгича иқтисодий муносабатларга тўғаноқ бўла олмаймизку?!.

Хуллас, қонунни муҳофаза қилувчи идора ва маҳкамалар ҳам давр билан қадам ташлаши зарур. Бу қадамларнинг дадил бўлиши эса ишни нечоғлик оқилона ташкил этишимизга боғлиқ. Шундай экан, менинг мулоҳазаларимга азиз муштарийлар муносабат билдирадилар, деган умиддаман.

Азиз ЮНУСОВ,
Самарқанд вилояти Боғишамол район халқ судининг раиси.

ФАЙЗ Лтд.

ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ҚОНУНИЙ

ЭРТАКЛАРДАГИ СИНГАРИ ТЕЗ, ҚУЛАЙ ВА СИФАТ КАФОЛАТИ БИЛАН.

Технологияси ва фойдаланиладиган материаллари «ТРОДАТ» Австрия фирмасиники.

Файз ЛТД фирмаси —бу:

ҲАР ҚАНДАЙ ГРАФИК ТАСВИРЛИ, ОБРЎЛИ КЎРИНИШЛИ МУҲРЛАР, ШТАМПЛАР, ОТТИСКЛАР, ФАКСИМИЛЕ, СЕРҲАШАМ, ЗАРҲАЛЛАНГАН ТАШРИФНОМАЛАР ВА ҲОКАЗОЛАР ДЕМАКДИР.

Мулоқот телефони: соат 9 дан 17 гача 77-56-17.

«РУБИН» ФИРМАСИ КИЧИК КОРХОНАСИ

1000 тонна миқдоридаги биринчи нав (учинчи, тўртинчи ва бешинчи турдаги)ли пахтани, шунингдек пахта толасидан тайёрланган чекланмаган миқдордаги ип калавалари ҳамда эластикни ўзаро келишилган нархларда ёки қисман бартер усулини қўллаган ҳолда жорий нархда

ХАРИД ҚИЛАДИ

Манзилимиз: Львов шаҳри, 42-алоқа бўлими, Галицкая кўчаси, 113-уй.

Телефонлар: 72-78-31, 75 02-15. Москва вақти билан 19.00 дан кейин ёки Маҳаллий вақт билан соат 11.00 да қўнғироқ қилинг.

«РУБИН» ФИРМАСИ КИЧИК КОРХОНАСИ. «СОЮЗРЕКЛАМА» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ «САРБОН» ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТ ДОРИШУНОСЛИК ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

Марказий илмий-текшириш лабораторияси бўйича

БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— катта илмий ходим (ноорганик химия бўйича мутахассис — 1 ўрин).

— кичик илмий ходим (медик, биолог мутахассисликлари — 2 ўрин).

ТАНЛОВ МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинсин: 700015, Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб,) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 11.

№ 12

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди—24.00 Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.